

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЕВ ОТАБЕК САЪДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юримдик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Докторлик (DSc)диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc)диссертации

Content of the doctoral (DSc)dissertation abstract

Нарзиев Отабек Саъдиевич

Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш
масалалари3

Narziev Otabek Sa'dievich

Issues of improving the legal system of the capital market in Uzbekistan.....39

Нарзиев Отабек Саъдиевич

Вопросы совершенствования правовой системы рынка капитала в
Узбекистане.....67

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных научных работ
List of published scientific works.....72

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ

НАРЗИЕВ ОТАБЕК САЪДИЕВИЧ

**ЎЗБЕКИСТОНДА КАПИТАЛ БОЗОРИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ТИЗИМИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи.
Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ

**юридик фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.1.DSc/Yu190 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат юридик университетида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tsul.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	Саид Саидахарович Гулямов, юридик фанлар доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Назаров Юсуф Бозорович, юридик фанлар доктори, доцент Ходжаев Бахшилло Камалович, юридик фанлар доктори, доцент Бекмуродов Адхам Шарипович, иқтисод фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги Юристлар малакасини ошириш маркази

Диссертация химояси Тошкент давлат юридик университети ҳузуридаги DSc.07/30.12.2019.Yu.22.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 21 май соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй. Тел.: (99871) 233-66-36 факс: (99871) 233-37-48, e-mail: info@tsul.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат юридик университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (1045-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 13. Тел.: (99871) 233-66-36).

Диссертация автореферати 2022 йил 5 май кун таркатилди.

(2022 йил 5 майдаги 10-рақамли реестр баённомаси).



И. Рустамбеков

И.Р. Рустамбеков
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Д.Ю. Хабибуллаев

Д.Ю. Хабибуллаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар номзоди, профессор

Н. Ф. Имомов

Н.Ф. Имомов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси ўринбосари, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда пандемия сабабли пасайган иқтисодий фаоллик 2021 йилда тикланиш босқичига ўтиб, иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари сингари капитал бозорларида ҳам сезиларли ўсишни кўрсатди. Жумладан, дунё бўйича глобал қимматли қоғозлар бозори капиталлашуви 105,8 триллион долларни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 18,2 фоизга ошган. Биргина АҚШда бу кўрсаткич 12,2 триллион долларни ташкил этиб, олдинги йилга нисбатан 48,1 фоиз ўсишни ташкил этган.¹ Гарчи ижобий ўсиш кузатилсада, айрим ривожланаётган давлатларда капитал бозори салоҳиятидан иқтисодиётни ривожлантиришда самарали фойдаланилмаётганлиги, фуқаролик муомаласида уларнинг роли сезилмаётганлиги, рақамли иқтисодиёт ва ахборот технологияларининг жадал ривожланиш даврида капитал бозорининг аҳамияти ортиб бораётганлиги ушбу мавзунинг долзарблигидан далолат беради.

Жаҳонда капитал бозорининг самарали ҳуқуқий тизимини таъминлаш, рақамли иқтисодиёт шароитида қимматли қоғозларнинг янги инновацион турларини тадқиқ этиш, давлат томонидан банк ва капитал бозорини тартибга солишда адолатлилиқ ва тенглик тамойилларига амал қилиш, аҳолини инвестициялаш жараёнларига кенгроқ жалб этиш ҳамда инвесторларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш бўйича илмий таҳлиллар ўтказилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, капитал бозорининг молия тизимидаги аҳамиятини ошириш, ахборот технологияларининг ривожланиши сабабли пайдо бўлаётган янги молиявий воситаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий мақомини белгилаш мақсадида норматив-ҳуқуқий базани тизимлаштириш ва такомиллаштириш, миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мослаштириш, қонунчилик ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топиш долзарблиқ касб этмоқда.

Республикамизда ишбилармонлик ва бизнес муҳитини янада яхшилаш, капитал бозорининг ҳуқуқий асосларини яратиш, бизнесни молиялаштиришда капитал бозорининг улушини ошириш, аҳолининг бўш маблағларини иқтисодиёт тармоқларига кенг жалб этиш, акциядорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга алоҳида аҳамият берилиб, қатор мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Капитал бозорининг халқаро стандартлари бўйича қараганда Ўзбекистон бугунги кунда капитал бозорининг ривожланганлик даражасини белгиловчи халқаро рейтинглар (MSCI, FTSE Russell, Standard and Poor's) бўйича энг пастки поғонада² (pre-frontier market, frontier market, emerging market, developed market) турибди.³ Соҳа мутахассисларининг фикрича, изчил ва самарали

¹ The SIFMA Capital Markets Fact Book, 2021. <https://www.sifma.org/resources/research/fact-book/>

² Капитал бозорининг ривожланганлик даражалари бўйича батафсил маълумот учун қаранг: <https://www.nasdaq.com/articles/what-difference-between-developed-emerging-and-frontier-market-2012-05-11>

³ DCM Investor Report, 2022. <https://www.intralinks.com>

ислохотлар бўлганда дастлабки босқичдан ривожланган босқичгача ўртача 20-25 йил талаб этилади. Бугун Ўзбекистон дунёдаги 26 та энг тез ривожланаётган давлатлардан бири саналади.⁴ Бундай ривожланишда ҳозирча капитал бозорининг улуши унчалик сезилмаяпти. Бугунги кунда Ўзбекистонда капитал бозори капиталлашуви мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 6 фоизи атрофида.⁵ Ривожланаётган давлатларда бу кўрсаткич 30-60 фоиз атрофида бўлиб, ривожланган давлатларда 100 фоиз ва ундан ҳам ортиқни ташкил этади. 2023 йил якунига қадар капитал бозорининг капиталлашувини 45 трлн сўмга етказиш⁶ ва 2025 йилга қадар эркин муомаладаги қимматли қоғозлар ҳажмини мамлакат ЯИМга нисбатан 10 фоизга етказиш кўзда тутилган.⁷ Республикаимизнинг келгуси беш йилдаги дастурий ҳужжати сифатида қабул қилинган **Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси**да иқтисодиётда молиявий ресурсларни кўпайтириш мақсадида, келгуси 5 йилда фонд бозори айланмасини 200 млн. АҚШ долларидан 7 миллиард АҚШ долларига етказиш мақсади кўйилган.⁸ Мазкур тадқиқот орқали биз мамлакатимизнинг ушбу кўзланган марраларга эришишида, бу борадаги ислохотларни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашда яқиндан кўмак беришни мақсад қилганмиз. Хусусан, капитал бозоридаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган амалдаги ҳуқуқий тизим ўта тарқоқ бўлиб, айрим ҳолларда бир-бирига қарама-қарши бўлган юзга яқин меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлардан таркиб топганлиги, инвесторлар учун қулай бўлган ягона ҳуқуқий манбанинг мавжуд эмаслиги, мавжуд норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни халқаро норма ва тамойилларга мослаштириш зарурати мазкур ишда кўриб чиқиладиган асосий масалалардан саналади. Соҳадаги ҳуқуқий жиҳатдан тиргакка муҳтож бўлган яна бир энг муҳим масала бу инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмининг етарли даражада самарали эмаслиги. Инвесторларни ҳимоя қилиш индексининг кучи ўртача 3 та индексни ташкил этади — ошкор қилиш индекси, директорнинг жавобгарлиги индекси ва акциядорлар даъвосининг қулайлиги индекси.⁹ Расмий тан олинган манбалардан тузилган Жаҳон банкининг ривожланиш кўрсаткичлари ҳисоботида кўра, Ўзбекистонда инвесторларни ҳимоя қилиш индексининг мустаҳкамлиги 2016 йилда 5,7%

⁴ Karen Ward, “The World in 2050,” *Quantifying the shift in the global economy*. HSBC (2011): 2–3

⁵ 2021 йил 17 мартда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги билан биргаликда “Барқарор иқтисодий ривожланишни таъминлашда молия бозорининг роли: ҳуқуқий ва институционал тўсиқлар” мавзусида халқаро конференцияда Сенат раиси Т.Норбоевнинг нутқидан. Манба: https://uza.uz/uz/posts/kapital-bozoridagi-vaziyat-mavzhud-muammolar-valarning-echimi_249659

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Капитал бозорини янада ривожлантириш чора тadbирлари тўғрисида»ги 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207 сонли Фармони. <https://lex.uz/ru/docs/5371091>

⁷ Капитал бозорини ривожлантириш бўйича парламентда ташкил этилган семинар ахбороти. Батафсил қаранг: <https://kun.uz/news/2020/12/25/ozbekistonda-kapital-bozori-kapitallashuvi-yaimning-1-foiziga-teng>

⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги ПФ-60-сон Фармони // <https://lex.uz/pdfs/5841063>

⁹ Маълумотлар корпоратив адвокатларнинг сўровидан олинган бўлиб, қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари, компания қонунлари ва суд далиллари қоидаларига асосланади. Манба: Жаҳон банки, Бизнес юритиш лойиҳаси <http://www.doingbusiness.org/ExploreTopics/ProtectingInvestors/>

ни ташкил қилди.¹⁰ Бугунги кунда инвесторларнинг, хусусан акциядорлик жамиятларидаги миноритар акциядорларнинг ҳуқуқлари қай даражада ҳимояланганлиги, жамият томонидан ахборотни ошкор этиш, дивидендларни ўз вақтида тўлаш каби фундаментал мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилишини таъминлаш долзарб масалалардан бўлиб турибди. Масалан, биргина 2020 йилда аниқланган қонун бузилишлари бўйича ваколатли давлат органи томонидан инвесторлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида акциядорлик жамиятларига 201 та кўрсатма берилган, судларга 144 та даъво аризаси киритилган ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга 66 та ҳужжат юборилган. Инвесторлардан келиб тушган мурожаатларни ўрганиш натижаларига кўра, 20.3 млрд. сўм дивиденд кўринишидаги пул маблағлари ундириб берилиши таъминланган.¹¹ Бундан ташқари, ахборот технологиялари тобора ривожланиб бораётган бугунги кунда капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг рақамлаштирилиши ва ушбу соҳадаги муносабатларнинг ижтимоий тармоқлар ҳамда онлайн платформага ўтаётган турларини¹² илмий-назарий таҳлил қилган ҳолда уларни ҳуқуқий таъминлаш бўйича хулоса тақдим этиш ҳам бугунги кундаги ушбу соҳадаги долзарб масалалардан саналади.

“Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги (2015), “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги (2012), “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги (2014), “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги (2001) қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6207-сонли Фармони, 2022 йил 17 январдаги “Капитал бозорини қўллаб-қувватлашнинг самарали механизмларини жорий этишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-90-сон Қарори, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони ва мавзуга оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишида ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини

¹⁰ Индекс 0 дан (инвесторларнинг ҳимояси йўқ) дан 10 гача (инвесторларнинг ҳимояси юқори). Ўзбекистон – Инвесторларни ҳимоя қилиш индексининг мустаҳкамлиги – ҳақиқий рақамлар, тарихий маълумотлар, прогнозлар ва прогнозлар Жаҳон банкдан 2022 йил февралда олинган. Батафсил маълумот учун қаранг: <https://tradingeconomics.com/uzbekistan/strength-of-investor-protection-index-0-to-10-wb-data.html>

¹¹ Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 2021 йил 3-февралдаги мажлиси маълумотларидан. Батафсил қаранг: <https://parliament.gov.uz/uz/events/chamber/33535/>

¹² Батафсил қаранг: Samir Das, Digital transformation in Securities and capital markets. <https://www.wipro.com/capital-markets/digital-transformation-in-securities-and-capital-markets/>

шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналиши доирасида амалга оширилган.

Диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Капитал бозорининг назарий-ҳуқуқий таъминланиши муаммолари бўйича илмий тадқиқотлар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетларида, жумладан, University of Chicago (АҚШ)¹³, Cambridge University (Буюк Британия),¹⁴ Harvard University (АҚШ)¹⁵, Pennsilvaniya University (АҚШ),¹⁶ Nagoya University (Япония), Kobe University (Япония) олиб борилмоқда.

Капитал бозорининг назарий-ҳуқуқий таъминланиши борасидаги хорижий илмий тадқиқотлар натижасида қатор илмий натижаларга эришилган, жумладан: Чикаго университети олимлари тадқиқоти ҳуқуқни иқтисодий таҳлил қилишнинг меъёрий ёндашуви бойликни максимал даражада оширишга асосланган ҳуқуқий тизимни шакллантиришнинг самарадорлик мезонини таклиф қилган; Кембридж университети олимлари эса давлатнинг капитал бозорини тартибга солишдаги асосий вазифаси ижтимоий манфаатни таъминлаш орқали молиявий инқирозларнинг олдини олишга қаратиш, тартибга солишнинг қолган масалаларини эса бозорнинг ўзига қўйиб бериш керак, деган хулосага келишган; мазкур университетнинг бошқа бир гуруҳ олимлари эса бозор иқтисодиётида ўз-ўзини тартибга солиш автоматик бўлади, деган тахминни шубҳа остига қўйган ва давлатнинг иқтисодий жараёнларга аралашуви зарурлигини асослаб берган; Гарвард университети олимлари эса давлат капитализмининг назарий асосларини тадқиқ қилиб, давлатнинг капитал бозорини тартибга солишдаги ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлишини қайд этганлар; Пенсилвания университети олимлари капитал бозорини тартибга солишга қаратилган энг машхур микро ва макроиқтисодий назарияларнинг кўпчилиги тартибга солувчилар, инвесторлар, банкирлар ва сиёсатчиларга ёрдам бериш ва қўллаб-қувватлаш орқали молиявий инқироз вужудга келишига асос яратганликларини таъкидлаб, бу масалада давлатнинг капитал бозорини тартибга солиш сиёсати қатъий бўлишини асослаб беришган; Нагоя университетиде олиб борилган тадқиқотда асосан капитал бозори соҳасидаги ваколатли давлат органининг ҳуқуқий мақоми ва институционал тузилиши бўйича интеграциялашган моделнинг афзаллигини асослашга ҳаракат қилинган; Кобе университети тадқиқотчиси капитал бозорини тартибга солишда молия бозорининг бошқа институтлари билан таққослаган ҳолда таҳлил қилган.

Жаҳонда капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш бўйича, хусусан қуйидаги устувор йўналишларида тадқиқотлар олиб борилмоқда: бозорни тартибга солишда давлатнинг роли ва ваколатли органининг ҳуқуқий мақоми;

¹³ Brine, Kevin R., and Mary Poovey. *Finance in America: An Unfinished Story*. University of Chicago Press, 2017; Posner R A, *Economic analysis of law*, Boston: Little, Brown, University of Chicago Law School, 1972.

¹⁴ Driesen, David M. *The Economic Dynamics of Law*. Cambridge University Press, 2012.

¹⁵ Aldo Musacchio and Sergio G. Lazzarini, "Reinventing State Capitalism: Leviathan in Business, Brazil and Beyond", Harvard University Press (2013)

¹⁶ Joseph E. Stiglitz, "The Anatomy of a Murder: Who Killed the American Economy?", in *What Caused the Financial Crisis*, ed. Jeffrey Friedman (Pennsylvania: University of Pennsylvania, 2011), 144.

капитал бозоридаги давлатнинг акциядор ва инвестор сифатидаги иштироки; банкларнинг капитал бозоридаги иштироки; капитал бозорида сунъий интеллектдан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари; робот-маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий мақоми; токен, дастлабки танга таклифларининг (ICO - Initial Coin Offering) молиявий воситалар сифатидаги ҳуқуқий табиати каби масалаларнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш масалалари таҳлили, рақамлаштириш шароитларида капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш, шунингдек бу соҳадаги халқаро стандартлар ва хорижий давлатларнинг тажрибалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Корпоратив бошқарув ва акциядорлик жамиятлари фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш С.Гулямов¹⁷ ва Ж.Юлдашев¹⁸, қимматли қоғозлар муомаласининг ҳуқуқий жиҳатлари Ю.Назаров¹⁹, инвестиция активларини ишончли бошқариш шартномаси Б.Топилдиев, инвестиция фондларининг фуқаролик-ҳуқуқий мақоми А.Жумагулов ва венчур молиялашнинг ҳуқуқий асослари А.Тожибоевлар томонидан махсус тадқиқ этилган. Капитал бозорига оид муносабатларнинг иқтисодий жиҳатлари Ш.Шоҳазамий, И.Бутиков²⁰, З.Ашуров, А.Вахобов,²¹ Р.Каюмов,²² А.Расулов²³ каби иқтисодчи олимлар томонидан ўрганилган.

¹⁷ Гулямов С.С. Правовые основы функционирования рынка ценных бумаг в Республики Узбекистан. Учебное пособие. – Т.: ТГЮИ, 2013. – 256 с.

¹⁸ Юлдашев Ж.И. Акциядорлик жамиятлари – фуқаролик ҳуқуқининг субъекти сифатида. Ю.ф.н. дисс...автореф. – Т.: ТДЮИ, 2008. – 27 с.

¹⁹ Назаров Ю.Б.Правовое регулирование ценных бумаг в Республики Узбекистан: Автореф. канд. юрид. наук. – Т.: ИФП. 1997. – 23 с.

²⁰ Бутиков И.Л. Рынок ценных бумаг Узбекистана в условиях современного экономического кризиса. // Ўзбекистон молия бозорини ривожлантиришда инвестиция фондларининг жозибадорлигини ошириш. Республика илмий-амалий конференция илмий мақола ва тезислари тўплами (2020 йил 29 апрель). – Тошкент: ТДИУ, 2020. – С. 628-633; Бутиков И.Л. Проблемы продолжения политики институциональных и структурных реформ по сокращению присутствия государства в экономике: правовая теория и правоприменительная практика. // Правовая политика Республики Узбекистан в условиях демократического обновления страны (концептуальные основы правовой политики). Коллективная монография. / Под ред. д.ю.н., проф. М.Х.Рахманкулова. – Ташкент: Институт мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан, 2017.

²¹ Ашуров З.А., Вахобов А. Капитал бозорида ахборотни ошкор қилишнинг аҳамияти. // “Biznes-Эксперт” журнали. – Тошкент, 2021. – №11-12.

²² Каюмов Р.И. О необходимости создания условий для эффективного функционирования фондового рынка Узбекистана. // Управление государственное, муниципальное и корпоративное: теория и лучшие практики. Материалы Шестой Международной научно-практической конференции (12-13 ноября 2021 года). – Ростов н/Д: ФГБОУ ВО РГУПС, 2021. – С. 181-186.

²³ Каюмов Р.И., Расулов А.А. Роль государственных ценных бумаг в экономике страны. // Modern Scientific Challenges and Trends: a collection of scientific works of the International scientific conference. Part 2 (7-9 April, 2021) - Warsaw: Sp. z.o.o. “iScience”, 2021. - С. 89-91.; Каюмов Р.И., Саидов Х.Б. Проблемы использования зарубежных методов определения рыночной стоимости акций в Узбекистане. // Modern Scientific Challenges and Trends: a collection of scientific works of the International scientific conference. Part 2 (7-9 April, 2021) - Warsaw: Sp. z.o.o. “iScience”, 2021. - С. 92-95; Каюмов Р.И., Саидов Х.Б. Информирование участников фондового рынка для определения рыночной стоимости акций. // Инвестиционная привлекательность в обеспечении экономической стабильности стран: глобальные проблемы и пути их решения. Материалы международной научно-практической онлайн конференции (14 мая 2021 года). – Ташкент: Министерство высшего и среднего специального образования Республики Узбекистан, ТГЭУ, 2021. – С. 317-320.

МДХ давлатларида М.Асеева, О.Глеба, В.Попов, Ю.Цепляева, Ю.Ельцов ва бошқа олимлар бу борада илмий тадқиқотлар олиб борган. Капитал бозорининг ҳуқуқий асосларини ҳам иқтисодий, ҳам ҳуқуқий жиҳатдан тадқиқ этган олимлар орасида капитал бозори ривожланган давлатларнинг муаллифлари етакчи ўрин эгаллайди. Хусусан, A. Douglas, Asli Demirguc-Kunt, Ha-Joon Chang, J. Coffee, S. Deakin, D. Driesen, Joseph E. Stiglitz, R. Pomfret, R. Posner, Muhammad Yunus каби олимларнинг ишлари мазкур тадқиқот иши доирасида ўрганиб чиқилган.²⁴

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Тадқиқот иши Тошкент давлат юридик университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Ривожланган давлатлар қонунчилик амалиёти ва халқаро савдо ҳуқуқи ютуқларини назарий тадқиқ этиш асосида олинган натижаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари» мавзусидаги фундаментал лойиҳаси (2017 – 2021 й.й.) доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш ва уни қўллаш амалиёти самарадорлигини оширишга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурати, умумий тавсифи, вазифалари ва тузилишини тадқиқ этиш;

Ўзбекистонда капитал бозори ҳуқуқий асосларининг эволюцияси ҳамда Ўзбекистон ва айрим МДХ мамлакатларида капитал бозорининг ривожланиш даражаси ва муаммоларини ўрганиш;

капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишда назариянинг аҳамиятини кўриб чиқиб, бу борадаги асосий ёндашувларни умумий тавсифлаш;

капитал бозорини тартибга солишнинг замонавий муаммоларини таҳлил қилиш ва давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокига оид асосий назариялар ва амалиётларни ўрганиш;

капитал бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органнинг ҳуқуқий мақомини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш;

банк ва капитал бозорини тартибга солишда молиявий структуранинг аҳамияти, молия бозорида қарз ва капитал тушунчаларини таҳлил қилиш;

капитал бозорида сунъий интеллектдан фойдаланиш масалаларини, хусусан робот-маслаҳатчилардан фойдаланишнинг ҳуқуқий жиҳатлари ва рақамли мол-мулкдан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалаларини таҳлил қилиш;

МДХ мамлакатларида капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш муаммоларини ўрганиш ва Ўзбекистон мисолида капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш, ҳуқуқни қўллаш амалиётини яхшилаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат.

²⁴ Олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

Тадқиқотнинг объекти Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тизими ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, юридик фанда мавжуд бўлган концептуал ёндашувлар, илмий, амалий ва назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялардан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотни амалга оширишда тарихий ва тизимли усул, анализ ва синтез усули, қиёсий-ҳуқуқий ва таҳлил қилиш усули, норматив-ҳуқуқий ва амалий таҳлил усули, умумлаштириш, мантиқийлик ҳамда маълумотларни тизимли таҳлил қилиш каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

капитал бозоридаги муносабатларда янги субъект ҳисобланган – чет эллик номинал сақловчи ҳамда биржа облигацияларининг эмиссияси, жойлаштирилиши ва муомаласига оид нормаларнинг киритилиши зарурлиги асослантилган;

давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш ва давлат улушига эга бўлган корхоналарни маҳаллий фонд биржасида оммавий таклиф орқали хусусийлаштиришни рағбатлантириш лозимлиги асослаб берилган;

қимматли қоғозларнинг «сукук» облигациялари каби янги турларини жорий этиш орқали диверсификация қилиш, ислом молиялаштириш тамойиллари асосида қимматли қоғозлар ва капитал бозорига оид бошқа молия хизматларини татбиқ этиш зарурлиги асослаб берилган;

капитал бозорининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган «Ахлоқий кадриятлар танқислиги синдроми» илмий назарияси ишлаб чиқилиб ва уни самарали жорий қилишнинг янги концепцияси асослантилган;

«Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида инвесторларга капитал бозоридаги мавжуд молиявий воситалар ва уларнинг ҳолати бўйича ягона очиқ манбани тақдим этадиган электрон маълумотлар платформасининг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш зарурлиги асослантилган;

капитал бозори профессионал иштирокчиларининг ўзини-ўзи бошқарувчи нодавлат бирлашмасини ташкил этиш ва капитал бозори соҳасидаги миллий рейтинг агентликларининг фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш лозимлиги асослаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш борасида бозорнинг субъектлари ва объектлари сонини кўпайтириш, шу орқали бозорга киритиладиган инвестицияларнинг ҳажмини орттириш гипотезаси илгари сурилиб, бунинг учун энг аввало бозорга муқобил субъектлар ва молиявий воситалар киритилишининг ҳуқуқий асосларини яратиш лозимлиги асослаб берилди.

қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлишини, инвестицияларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича комплекс чоратadbирларни кўзда тутувчи Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш асослаб берилди.

Ўзбекистонда капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими таҳлили доирасида бу борадаги ислохотларнинг дастлабки йўналиши сифатида бугунги кунда тарқоқ бўлган норматив ҳужжатларни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда консолидация қилиш орқали инвесторлар учун қулай бўлган ягона ҳуқуқий манбани яратиш лозимлиги асослаб берилди.

Ўзбекистонда капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизимини ислох этишнинг иккинчи йўналиши сифатида регуляторнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда жавобгарлиги белгиланган алоҳида қонун қабул қилиниши асослаб берилди.

капитал бозори иштирокчиларининг фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш, инвестиция хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва таваккалчиликларни баҳолаш (Risk management) учун сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, амалиёти жорий этилиши соҳанинг ривожига ижобий таъсир кўрсатиши асослаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги ишда қўлланилган усуллар, унинг доирасида фойдаланилган назарий-илмий хулосалар халқаро илмий базалар ҳамда бошқа расмий манбалардан олинган ишончли маълумотлар асосида шакллантирилган. Тадқиқот олиб бориш жараёнида билдирилган айрим таклифлар амалиётга жорий этилган ва бу тегишли ваколатли органлар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундаки, унда акс этган илмий-назарий ғоялар ва қонунчиликка билдирилган таклифлардан капитал бозори фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасида илмий тадқиқотлар олиб бориш, қонун ҳужжатларининг тегишли нормаларини шарҳлаш, миллий қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш ҳамда «Қимматли қоғозлар бозори ҳуқуқи», «Инвестиция ҳуқуқи», «Бизнес ҳуқуқи», «Корпоратив ҳуқуқ» «Халқаро хусусий ҳуқуқ» каби фанларни ўқитишда ва методологик ёндашувларни такомиллаштиришда фойдаланилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда, ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштиришда ҳамда юридик олий таълим муассасаларида хусусий ҳуқуқ соҳасидаги фанларни ўқитиш жараёнида фойдаланиши мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш масалалари бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларидан қуйидагиларда фойдаланилган:

капитал бозоридаги муносабатларда янги субъект бўлган – чет эллик номинал сакловчи ҳамда биржа облигацияларининг эмиссияси, жойлаштирилиши ва муомаласига оид нормаларнинг киритилишига оид таклифдан Ўзбекистон Республикасининг «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонунининг (Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 3 июнда қабул қилинган ЎРҚ-387-сонли Қонуни таҳририда) 3-моддасига 2021 йил 27 августда киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитасининг 2022 йил 25 мартдаги 28-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф капитал бозорининг ривожланиши учун қўшимча имкониятлар тақдим этади ва инвесторлар учун таклиф этилаётган молиявий воситаларнинг сонини оширишга хизмат қилган;

давлат иштирокидаги корхоналарни трансформация қилиш; давлат улушига эга бўлган корхоналарни маҳаллий фонд биржасида оммавий таклиф орқали хусусийлаштиришни рағбатлантириш таклифи Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “2021 — 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастури”ни ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 мартдаги 06/04-02-01-32/747-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф капитал бозорида рақобат муҳитини яхшилаш билан бир қаторда унинг ҳажмини орттириш ва Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган кўрсаткичларга етказишга хизмат қилган;

қимматли қоғозларнинг «сукук» облигациялари каби янги турларини жорий этиш орқали диверсификация қилиш; ислом молиялаштириш тамойиллари асосида қимматли қоғозлар ва капитал бозорига оид бошқа молия хизматларини татбиқ этишга оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “2021 — 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастури”ни ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 мартдаги 06/04-02-01-32/747-сонли далолатномаси). Мазкур таклиф капитал бозорида рақобат муҳитини яхшилаш билан бир қаторда унинг ҳажмини орттириш ва Янги Ўзбекистоннинг 2022–2026 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида белгиланган кўрсаткичларга етказишга хизмат қилган;

капитал бозорининг назарий асосларини такомиллаштиришга қаратилган “Ахлоқий кадриятлар танқислиги синдроми” илмий назарияси ишлаб чиқилиб ва уни жорий қилишнинг илмий концепцияси Нидерландиянинг Wolters Kluwer нашриёти томонидан нашр этилган

“Comparative Law Yearbook of International Business” номли қўлланманинг 2021 йилги 43-сонида чоп этилди. Бундан ташқари ушбу илмий концепциядан Тошкент давлат юридик университетининг бакалаврият таълим йўналишида кадрлар тайёрлашда, хусусан «Қимматли қоғозлар бозори ҳуқуқи» модулини ўтишда фойдаланилмоқда. (Тошкент давлат юридик университетининг 2022 йил 10 мартдаги далолатномаси). Ушбу таклиф жаҳонда капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишда ҳозирги бирёқлама ёндашув ўрнига мувозанатлашган назарий асосни тақдим этган;

«Тошкент» Республика фонд биржасининг расмий веб-сайтида барча инвесторлар учун очиқ бўлган маълумотлар базасининг электрон платформаси ҳуқуқий асосларини яратишга оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “2021 — 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастури”ни ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 мартдаги 06/04-02-01-32/747-сон далолатномаси). Мазкур таклиф инвесторларга капитал бозоридаги мавжуд молиявий воситалар ва уларнинг ҳолати бўйича ягона манбани тақдим этади, соҳада ўзини-ўзи бошқариш тизимини такомиллаштиришни назарда тутди ва миллий баҳоловчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлашга хизмат қилган;

капитал бозори профессионал иштирокчиларининг ўзини-ўзи бошқарувчи нодавлат бирлашмасини ташкил этиш ва капитал бозори соҳасидаги миллий рейтинг агентликларининг фаолиятини ташкил этиш учун ҳуқуқий асослар яратишга оид таклифлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 13 апрелдаги ПФ-6207-сон Фармонининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “2021 — 2023 йилларда капитал бозорини ривожлантириш Дастури”ни ишлаб чиқишда кенг фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2022 йил 24 мартдаги 06/04-02-01-32/747-сон далолатномаси). Мазкур таклиф инвесторларга капитал бозоридаги мавжуд молиявий воситалар ва уларнинг ҳолати бўйича ягона манбани тақдим этади, соҳада ўзини-ўзи бошқариш тизимини такомиллаштиришни назарда тутди ва миллий баҳоловчи субъектлар фаолиятининг ҳуқуқий асосларини таъминлашга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий анжуманда, жумладан, 4 та халқаро ва республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференция, давра суҳбатлари ва семинарларда синовдан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Мазкур тадқиқот натижалари бўйича жами 18 та илмий иш, жумладан, 2 та монография, илмий журналлар ва тўпламларда 16 та (шундан 10 таси хорижий нашрларда) илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 231 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослантирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети ёритилган, шунингдек, диссертациянинг мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи, республика фан ва технологиялари ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мослиги асослантирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан алоқадорлиги, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижалари, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Шунингдек, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий масалалари”** деб номланган биринчи бобида капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурати масаласи таҳлил этилиб, инвесторлар ҳимоясини кучайтириш, рақобатни таъминлаш ва бозор муносабатларида адолатни кафолатлаш учун капитал бозорини тегишли ҳуқуқий тартибга солиш тизими мавжуд бўлиши керак, деган хулосага келинди. Бу масалада олимлар ўртасидаги умумий консенсусга²⁵ кўра мустаҳкам қонунчилик базаси, мулкӣ ҳуқуқлар, акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шартномалар ижросини таъминлаш ва қонун устуворлиги нисбатан юқори даражадаги инвестицияларни жалб қилишга сабаб бўлади ва шунинг учун йирик молиявий бозорларга эга давлатлар бу омилларга алоҳида эътибор қаратишади. Бундан ташқари, капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш компаниянинг шаффофлигини таъминлаш учун зарур бўлиб, бу ўз навбатида инвесторларни ҳимоя қилиш ва бозор иштирокчиларининг, айниқса инвесторларнинг менежерлар ва назорат қилувчи акциядорларнинг фаолияти ва хатти-ҳаракатларига ишонч уйғотади.

Тадқиқот ишида бир қатор хорижлик олимлар (Bernard S. Black, J. C. Coffee, J. Seligman, H. A. Sale, Ana Carvajal, Jennifer A. Elliott, Douglas W. Arner)нинг капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш зарурати, вазифалари ва тузилишига оид фикрлари ўрганилиб, инвесторлар ҳимоясини кучайтириш, рақобатни таъминлаш ва бозор муносабатларида адолатни кафолатлаш учун капитал бозорини тегишли ҳуқуқий тартибга солиш тизими мавжуд бўлиши кераклиги асослантирилган.

²⁵ Douglas W. Arner, *Financial Stability, Economic Growth, and the Role of Law*. (Cambridge, UK: Cambridge University Press, 2007), 14.

Профессор Бернард Блекнинг фикрича, қонунлари бу масалада муваффақиятсизликка учраган мамлакат фаол капитал бозорини ривожлантира олмайди.²⁶ Капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг яна бир зарурати молиявий соҳадаги номуносивлик ва инқирозлар ҳар қандай мамлакат иқтисодиётини беқарорлаштирувчи асосий омилга айланиши эҳтимоли юқорилиги бўлиб ҳисобланади. 2008 йилда рўй берган молиявий инқирознинг салбий оқибатлари нафақат миллий миқёсда, балки минтақавий ва глобал миқёсларда ҳам инвесторлар ҳимоясини кучайтириш, рақобатни таъминлаш ва бозор муносабатларида адолатни кафолатлаш учун капитал бозорини тегишли ҳуқуқий тартибга солиш зарурлигини яққол кўрсатди.²⁷ Бу айниқса Ўзбекистон сингари ўтиш даври иқтисодиётидаги давлатлар учун янада кўпроқ зарур. Бунга энг асосий сабаб инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни бозордаги ноинсоф иштирокчилар томонидан амалга ошириладиган турли молиявий фирибгарликлардан ҳимоя қилиш ва умумдавлат миқёсида иқтисодиётдаги таваккалчиликларни бошқариш бўлиб ҳисобланади. 2008 йилда рўй берган молиявий инқирознинг мисли кўрилмаган оқибатлари нафақат миллий миқёсда, балки минтақавий ва глобал миқёсларда ҳам буни яққол кўрсатди.

Бундан ташқари, диссертант томонидан Ўзбекистонда капитал бозори ҳуқуқий асосларининг эволюцияси ҳамда уларнинг ҳуқуқий таъминланиши борасида ҳуқуқшунос олимлардан С.Гулямов, Ю.Назаров, Ж.Юлдашев, А.Жумағулов, Б.Топилдиев, А.Тожибоевлар, шунингдек иқтисодчи олимлардан И.Бутиков, Ш.Шоҳазамий, И.Бутиков, Н.Жумаев, Х.Ҳасанов, Р.Ҳожиматов, А.Хужамуродов, А.Худойбердиев кабиларнинг илмий ишлари ўрганиб чиқилган.

Боб доирасида Ўзбекистонда капитал бозори ҳуқуқий асосларининг эволюцияси таҳлил қилиниб, унинг нисбатан интенсив бўлганлиги, бу бир тарафдан ушбу соҳадаги муносабатларнинг тез суръатлар билан ривожланаётганлигидан далолат берса, иккинчи томондан қонун чиқарувчида капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган узоқ муддатга мўлжалланган стратегиянинг мавжуд бўлмаганлигини билдиради, деган хулосага келинди. Ўзбекистонда капитал бозори ҳуқуқий асосларининг тарихий таҳлили натижасида истиқболда мазкур соҳани тартибга солишда эътибор берилиши керак бўлган асосий омиллар, яъни мустақкам қонунчилик базаси, мулкӣ ҳуқуқлар ва акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шартномалар ижросини таъминлаш ва қонун устуворлигининг таъминланиши белгилаб олинди. Ҳуқуқий тизимда мазкур омилларнинг таъминланиши

²⁶ Bernard S. Black, "The legal and institutional preconditions for strong securities markets", *UCLA L. Rev.* 48 (2000): 781.

²⁷ Қаранг: The Financial Crisis Inquiry Report, Final Report of the National Commission on the Causes of the Financial and Economic Crisis in the United States, Official Government Edition the Financial Crisis Inquiry Commission, submitted by Pursuant to Public Law 111-21, January 2011. <https://www.gpo.gov/fdsys/pkg/GPO-FCIC/pdf/GPO-FCIC.pdf>, 17.

капитал бозори орқали амалга ошириладиган инвестицияларнинг сифати ва кўлами ортишига сабаб бўлади, деган хулосага келинди.

Тадқиқотда шунингдек ҳозирги вақтда МДХга аъзо давлатларнинг капитал бозорлари, уларнинг янада ривожланиши ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорлари билан интеграциялашувига тўсқинлик қилувчи қатор институционал ва ҳуқуқий муаммоларга дуч келаётганлиги аниқланди. МДХ давлатларида мазкур масалада тадқиқот олиб борган олимлардан М.Асеева, О.Глеба, В.Попов, Ю. Цепляева, Ю.Ельцовларнинг ишларининг таҳлил натижаларига кўра, МДХнинг барча мамлакатлари қимматли қоғозлар бозорлари учун бугунги куннинг умумий муаммоси миллий, минтақавий ва жаҳон иқтисодиёти даражасида капитал бозорлари имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлаш механизмининг мавжуд эмаслигини кўрсатди. Хусусан, ҳозирги вақтда МДХ давлатларининг капитал бозорлари бизнесни молиялаштиришнинг ҳақиқий рақобатбардош муқобил манбаси, жамғармалар ва ажратмаларни мобилизация қилишнинг муқобил тизими, корпоратив бошқарув ва компанияларнинг шаффофлигини таъминлашнинг самарали усули, шунингдек, хорижий инвесторларни жалб қилишнинг потенциал усулига айланмади. Биринчи бобнинг сўнгги параграфи таҳлиллари натижасида капитал бозорининг миллий, минтақавий ва глобал миқёсда ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омиллар, уларни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, институционал ва ҳуқуқий омилларга таснифлаш орқали таҳлил қилиниб, Ўзбекистон ва тадқиқ этилган МДХ мамлакатларида самарали капитал бозорини яратиш учун институционал ва ҳуқуқий омилларга таянган ислохотлар муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келинди. Хусусан, бозорнинг олигополистик табиати, молиявий хизматлар соҳасида рақобатнинг йўқлиги, давлатнинг бозордаги ҳам регулятор, ҳам асосий иштирокчи сифатида муҳим рол эгаллаши асосий институционал муаммолар сифатида таҳлил қилинди.

Диссертациянинг **“Капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг назарий асослари”** деб номланган иккинчи бобида дунё бўйича капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг асосий назариялари ва улар ҳозирги шароитда дуч келаётган асосий муаммолар таҳлил қилинди. Мазкур боб доирасида ўрганилган олимлар, хусусан (Simeon Djankov, Caralee McLiesh, Rita Maria Ramalho, Joseph E. Stiglitz, Robert Cooter, Richard A. Posner, Andrew W. Lo, Donald C. Langevoort, Ha-Joon Chang, David M. Driesen, Muhammad Yunus, Ross Levine)ларнинг ишлари таҳлили натижалари шуни кўрсатдики, назариялар капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишга сезиларли таъсир кўрсатади ва ҳозирги назарий тушунчалар асосан шахсий манфаат, бойликни максималлаштириш ва микроиқтисодий масалаларга қаратилган бўлиб, ижтимоий муносабатларнинг асосий субъекти бўлган инсоний хусусиятларни етарли даражада акс эттирмайди. Бизнесни (жумладан, қимматли қоғозлар бизнесини) муқобил мақсадларни кўриб чиқишга, бозор иштирокчиларига муқобил қадриятларни қўллаб-қувватлашга ва капитал бозорини тартибга

солишни янада мувозанатли ёндашувга ўтишга рағбатлантириш бўйича жиддий тадқиқотлар ва мулоҳаза юритилиши керак.

Ушбу боб глобал миқёсда капитал бозорини тартибга солиш бўйича мавжуд назарияларни таҳлил қилиш ва замонавий капитал бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлиб турган тизимли муаммоларни кўриб чиқиш орқали маҳаллий даражада қўллаш учун концептуал ва назарий хулосаларни тақдим этади. Бобда дастлаб ҳуқуқий тартибга солишнинг ҳақиқий эҳтиёжини аниқлаш мақсадида капитал бозорини тартибга солиш назариясининг зарурлиги ва аҳамияти ҳақида баҳс юритилган. Шунингдек, капитал бозорини тартибга солиш билан бевосита боғлиқ бўлган асосий назариялар таҳлил этилиб, капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини замонавий шароитларга мослашда тўсқинлик қилиб турган асосий муаммолар ўрганилган ва уларни ҳал қилишга қаратилган таклифлар илгари сурилган. Жумладан, диссертант томонидан ушбу соҳадаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган янги “Ахлоқий кадриятлар танқислиги синдроми” назарияси илгари сурилиб, мазкур назариянинг бугунги кунда жаҳон капитал бозорини тартибга солишдаги аҳамияти ёритилган. Ушбу назария бозор муносабатлари марказида инсон омилининг устунлиги ғоясига асосланади. Бунда инсон омили бир томонлама, яъни фақат моддий манфаат кўзловчи субъект эмас, балки ахлоқий кадриятларга эга шахс сифатида талқин этилади. Бошқача қилиб айтганда, ахлоқий кадриятлар инсоннинг ажралмас қисми бўлганлиги сабабли, улар ўз навбатида бозор муносабатларининг ҳам муҳим қисмига айланади. Ахлоқий кадриятлар инсон табиатини савдо автоматларидан ажратиб турадиган асосий хусусиятдир. Инсондаги табиий ажралмас "кўриқчи" ҳисобланган унинг ахлоқий кадриятларидан капитал бозорини тартибга солиш жараёнида фойдаланилса, бозор иштирокчилари орасидаги фирибгарлик, ишончни суиистеъмол қилиш, инсайдерлик битимларини тузиш, манипуляция ва бошқалар каби ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олди олинади. Бу эса пировард натижада капитал бозорининг ва мамлакат иқтисодиётининг ривожланиши ҳамда аҳоли фаровонлигининг ортишига хизмат қилади.

Ушбу бобда шунингдек МДХ мамлакатлари иқтисодиётида давлат корхоналарининг ролини таҳлил этиш, давлатнинг иқтисодиётда иштирок этишининг назарий асосларини кўрсатиш ва Ўзбекистонда давлат корхоналари фаолияти билан боғлиқ айрим долзарб масалаларни ҳал қилишга ҳаракат қилинди. 1990-йиллардан бошлаб хусусийлаштириш бўйича амалга оширилган кенг қўламли ислохотларга қарамай, Ўзбекистон ва ушбу диссертацияда кўриб чиқилган МДХнинг бошқа мамлакатлари иқтисодиётида давлат корхоналари ҳали ҳам муҳим рол ўйнамоқда. Аксарият ҳолларда давлат корхоналари ўзларининг самарали фаолиятига қараб эмас, балки давлат ёки мансабдор шахсларга тегишли бўлганлиги сабабли имтиёз ва иммунитетлардан фойдаланиб келади. Бундай эксклюзив имтиёзлар ва иммунитетлар пировард натижада рақобатни заифлаштириб, давлат корхоналарининг бозордаги ҳукмрон мавқеини суиистеъмол қилишига олиб

келиб, бозор конъюктурасини бузади. Тадқиқотнинг яна бир хулосаси шундан иборатки, давлат корхоналари самарасизлигининг асосий сабабларидан бири уларнинг икки томонлама (бизнес ва сиёсий) хусусияти бўлиб, бу омил мазкур соҳадаги ислохотларда эътиборга олиниши муҳим аҳамият касб этади.

Капитал бозорининг ривожланиши хусусий мулкдорларга кўпроқ давлат активларини IPO ва SPO йўли билан таклиф қилиш орқали хусусийлаштириш жараёнига ёрдам бериши мумкин, бу эса, масалан, мажбурий маълумотларни ошкор қилиш ва самарали корпоратив бошқарув тизимлари орқали давлат корхоналарининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини оширишга олиб келиши мумкин.

Юқорида шунингдек МДХ мамлакатлари иқтисодиётидаги давлат иштирокининг бозордаги рақобат муҳитини таъминлашдаги роли ва таъсири нуқтаи назаридан умумий кўриб чиқилди. Ушбу тадқиқотда кўриб чиқилган мамлакатларнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, муаллиф МДХ давлатлари ўзларининг улкан давлат корхоналари арсеналини тўлик йўқота олмайди, деб ҳисоблайди. Қолаверса, назарий жиҳатдан, барча давлат активларини хусусийлаштириш зарурати ҳам йўқ. Агар хусусий корхоналарга давлат корхоналарига бўладиганидек тенг ва адолатли муносабат яратилса ҳамда давлат корхоналарининг фаолияти рақобатни чекламаслиги таъминланса, назарий жиҳатдан бозорда давлат корхоналари иштирок этишига эътироз қолмайди. Бунда давлат корхоналарининг шаффофлиги, рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш, шунингдек, бозорда соғлом рақобатни таъминлашнинг мақбул йўли давлат корхоналари фаолиятини комплекс стратегия асосида ислоҳ қилишдан иборат бўлади.

Рақобат муҳитини ривожлантиришнинг кўплаб механизмлари мавжуд, жумладан, хусусийлаштириш, давлат бошқарувини бекор қилиш, монополиядан чиқариш, кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш ва бошқалар. МДХ мамлакатлари мисолида, бизнингча, фаол рақобат муҳитини яратиш бўйича чора-тадбирлар бир қатор тадбирларни ўз ичига олиши керак. Жумладан, иқтисодиётда давлат монополиясига барҳам бериш, бу тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш ва иқтисодиётни давлат томонидан бошқариш тизимини такомиллаштиришга қаратилган чуқур институционал ислохотларни талаб қилади. Давлат институтлари рақобатнинг ривожланишини таъминлаши керак, бусиз бутун иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш мумкин эмас. Бундан ташқари, тадбиркорлик фаолиятини тартибга солишда бозор механизмларининг ролини кучайтириш, бозорга кириш йўлидаги маъмурий тўсиқларни бартараф этиш, барча хўжалик субъектлари учун рақобат шароитларини яратиш киради. Ва ниҳоят, ислохотлар истеъмолчиларга юқори сифатли давлат хизматларини иқтисодий жиҳатдан мақбул нархларда доимий равишда олиш имкониятини яратиши керак.

МДХ давлатлари, шунингдек, давлат мулки ҳуқуқларини амалга ошириш учун масъул бўлган ваколатли органни белгилашни, мулкчиликни тартибга

солиш функцияларини аниқлаштириш ва ажратишни талаб қиладиган сиёсий эмас, балки бозор нуқтаи назаридан фаолият юритишини таъминлаш чораларини кўришлари керак. Агар давлат активларини давлат бойлиги деб ҳисобласак, давлат активларини бошқариш жараёнинингхусусийлаштиришдан тортиб то дивидендларгача бўлган барча жабҳаларида максимал шаффофлик ва ҳисобдорликка эришишга қаратилган тегишли чора-тадбирлар кўрилиши керак. Бундай тизим аҳолининг юқорида қайд этилган зарур маълумотлардан интернет-портал, оммавий ахборот воситалари, даврий нашрлар орқали мунтазам фойдаланишини, парламент назорати нуқтаи назаридан ҳисобот беришни таъминлаши керак. Умид қиламизки, бундай чора-тадбирлар нафақат давлат активларини бошқариш бўйича тизимли тафсилотларни тақдим этади, балки аҳолига уларнинг бошқарувини, мансабдор шахслар ва давлат активларини бошқарувчи шахсларнинг масъулиятини оширишга, шунингдек, инвесторларнинг давлат активларига бўлган ишончини янада оширишга имкон беради.

Диссертациянинг **“Капитал бозорини тартибга солишда давлатнинг роли”** деб номланган учинчи бобда капитал бозорини тартибга солиш соҳасида ваколатли орган бўлган регуляторнинг мустақиллиги ва молиявий тартибга солиш тузилишининг асосий ёндашувлари таҳлил қилинди. Ушбу масалаларда махсус тадқиқотлар олиб борган олимлардан Richard H. Pildes, Peter L. Strauss, Mark J. Roe, Marc Quintyn, Martin Shapiro, Paul R. Verkuil, Eddy Wymeersch, Charles Goodhart, Eric J. Pan кабиларнинг ишлари ўрганилиб, капитал бозори соҳасидаги регуляторнинг мустақиллиги функционал, институционал ва молиявий мустақиллик каби зарурий қисмлардан иборат бўлиши, уни амалда таъминлаш учун энг камида бу борадаги халқаро стандартларни жорий этишдан иборат бўлиши асослаб берилди. Қимматли қоғозларни тартибга солишнинг IOSCO мақсадлари ва тамойиллари нормалари²⁸ ҳамда Қимматли қоғозларни тартибга солишнинг IOSCO мақсадлари ва тамойилларини амалга оширишни баҳолаш методологияси,²⁹ бу борада асосий халқаро стандарт бўлиб, ҳозирги вақтда ушбу икки ҳужжат дунёнинг аксарият мамлакатларида капитал бозорида тартибга солувчи органнинг мустақиллиги тамойилини баҳолашнинг асоси ҳисобланади.

Бобда регуляторнинг мустақиллиги ва тузилиши масаласи асосан Япония, Россия, Франция, Польша ва Ўзбекистон тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий жиҳатдан таҳлил қилиш орқали ўрганилиб, тартибга солувчи тузилманинг тўрт асосий модели, яъни институционал, функционал, объектив ва интеграциялашган моделлар орқали таҳлил қилинган. Таҳлиллар бутун дунё бўйлаб бир нечта юрисдикцияларда молиявий тартибга солиш тизимини структуралашнинг умумий ҳолатини тушунишга ёрдам берди ва натижалар сўнгги йигирма йил ичида кўплаб мамлакатлар ўзларининг молиявий тартибга

²⁸ IOSCO, *Objectives and Principles of Securities Regulation*, 2010, <http://www.iosco.org/library/pubdocs/pdf/IOSCOPD323.pdf>.

²⁹ IOSCO, *Methodology For Assessing Implementation of the IOSCO Objectives and Principles of Securities Regulation*, September 2011, <http://204.180.229.152/external/pubs/ft/spn/2010/spn1008.pdf>

солиш тузилмаларини интеграциялашган модель ёрдамида ўзгартирганликларини кўрсатди. Боб доирасида шунингдек Ўзбекистонда капитал бозорини давлат томонидан тартибга солувчи органни ташкил этишнинг ўттиз йиллик тажрибаси беш асосий босқичга бўлган ҳолда таҳлил этилиб, бугунги кунда регуляторнинг ҳуқуқий мақомини белгилашга оид хулосалар олинди. Хусусан, Ўзбекистонда капитал бозорини давлат томонидан тартибга солувчи органни ташкил этиш тажрибаси 1991 йилда бозор иқтисодиётини барпо этиш йўлида босқичма-босқич ислохотлар бошланганидан бери давом этаётган ислохотларнинг биринчи босқичида, асосан, қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш ва тегишли бозор институтларини ташкил этиш орқали капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий ва институционал асосларини яратишга эътибор қаратилди. 1991 йилда биржа фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилди,³⁰ унга кўра биржа фаолиятини мувофиқлаштирувчи орган сифатида Ўзбекистонда фаолият юритувчи биржалар раисларидан иборат биржа кенгаши тузилди. Иккинчи босқичда босқичма-босқич ислохотлар асосан тартибга солувчи тузилманинг сифатини оширишга қаратилди. Айнан мана шу босқичда Ўзбекистонда илк марта алоҳида субъект сифатида капитал бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли орган ташкил этилди. Учинчи босқичда капитал бозорини тартибга солиш тузилмаси такомиллаштирилди. Бу яхшиланишлар бозор иқтисодиётининг асоси сифатида давлат активларини янада хусусийлаштириш ва хусусий мулк доирасини кенгайтириш, монополияга қарши тартибга солишни такомиллаштириш ва реал рақобат муҳитини рағбатлантириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш капитал бозорини, айниқса, иккиламчи бозорни жадал ривожлантиришни ўз ичига олди. Капитал бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг тўртинчи босқичи олдинги даврларга нисбатан мустақил ва махсус ваколатларга эга бўлган алоҳида Агентликнинг ташкил этилиши билан тарихда қолди. Капитал бозорининг жадал ривожланишини таъминлаш, инвестицияларни жалб қилишнинг самарали тизимини жорий этиш ва капитал бозорини мамлакат иқтисодиётини молиялаштиришнинг асосий манбаларидан бири сифатида шакллантириш мақсадида мустақил давлат органи – Капитал бозорини ривожлантириш агентлиги тузилди. Ва ниҳоят Ўзбекистонда капитал бозорини давлат томонидан тартибга солишнинг бешинчи босқичи ушбу соҳада ваколатли бўлган органнинг тугатилиши ва Молия вазирлиги таркибидаги бошқармага айлантирилиши билан яқунланди.³¹ Бугун дунё капитал бозори ҳам функционал, ҳам институционал, ҳам молиявий жиҳатдан мустақил бўлган кучли орган ташкил этиш йўналишидан кетаётган бир вақтда Ўзбекистонда Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг тузилмасини

³⁰ Қаранг: Ўзбекистонда биржа фаолиятини мувофиқлаштириш тўғрисида Фармон, Ўзбекистон Олий Кенгаши Ахборотномаси, 2 сон, 1992, 88 б.

³¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Капитал бозорини тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2021 йил 13-апрелдаги ПҚ-5073-сонли қарори. Батафсил қаранг: <http://old.lex.uz/docs/5370971>

мақбуллаштириш ва штатларни қисқартириш фонида капитал бозорининг асосий субъекти тугатилиши бизнингча бу бозорнинг ривожланишига хизмат қилмайди. Аксинча, регулятор ва бозор ўртасида манфаатлар тўқнашувининг вужудга келишига сабаб бўлади, деган хулосага келинди.

Диссертациянинг **“Капитал бозори ва банк фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили”** деб номланган тўртинчи боби бозор иқтисодиётининг муҳим институтларидан бири бўлган капитал бозорининг молиявий хизматлар соҳасида рақобат шароитларини таъминлашдаги ўрнини ривожлантиришга қаратилган. Мазкур боб олдига қўйилган вазифаларни амалга ошириш мақсадида қатор олимлар, жумладан Michiel J. Bijlsma, Gijsbert T. J. Zwart, Ross Levine, Sara Zervos, Asli Demirgüç-Kunt, Marco Pagano, Patrick Bolton, Xavier Freixas, Meghana Ayyagari, Vojislav Maksimovic кабиларнинг илмий ишлари таҳлил этилиб, турли объектив ва субъектив омиллар туфайли банклар молиявий ресурсларни тўплаш ва қайта тақсимлашда энг устун мавқега эга бўлиб қолганлиги, бу ҳолат айрим мамлакатларда, хусусан ривожланаётган давлатларда молия соҳасида банклар билан рақобатлашишга қодир бўлган етакчи бозор институтларидан бири бўлган капитал бозорининг ривожланишига тўсиқ бўлиб турганлиги аниқланди.

Мамлакатимизда ўттиз йилдан ортиқ ўтиш даври ислохотларига қарамай, капитал бозори ҳалигача ривожланмаган. Натижада, компаниялар ва инвесторлар бизнесни молиялаштиришнинг муқобил ва рақобатбардош манбаларидан фойдаланиш имкониятига ва монополлаштирилган банк тизими билан ишлашдан бошқа имкониятга эга эмаслар. Самарали фаолият юритадиган капитал бозорлари, инновация ва ўсиш учун капиталга муҳтож бўлганлар билан инвестиция қилиш учун маблағга эга бўлганларни бирлаштириб, молиявий ресурсларни жалб қилишга имкон беради ва осонлаштиради. Энг муҳими, капитал бозорлари шаффофликни, ҳисобдорликни ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳурмат қилишни рағбатлантириш орқали уларнинг рўйхатидаги эмитентлар ўртасида самарали корпоратив бошқарувни ривожлантиради. Биргина сўнгги қирқ йил ичида биржаларнинг 50 тадан 160 тагача кескин ўсиши ривожланаётган иқтисодиётларда капитал бозорларининг муҳим ўрин эгаллашини кўрсатади. МДХ аъзолари ҳақида гап кетганда, нафақат капитал бозорларининг ўрни ва функциялари тўғрисида тушунчаларни такомиллаштириш, балки биржаларнинг яхши ишлашини таъминлайдиган муҳитларни яратиш ҳам муҳимдир. Шунга кўра, меъёрий-ҳуқуқий базани мувозанатлаштириш орқали капитал бозорининг бизнесни молиялаштириш имкониятларини қайта кўриб чиқиш ва ошириш ушбу бобнинг асосий мақсади саналади.

Бизнесни молиялаштиришда банк ва капитал бозорининг аҳамиятлари ўртасида номуносивлик вужудга келишининг бир нечта сабаблари мавжуд. Молиявий тузилмалар, молиявий муносабатлар ва бошқа тартибга солувчи воситалар шулар жумласидандир. Умуман олганда, молиявий тизимларнинг иқтисодий сектордаги тутган ўрни, банк ёки капитал бозорида

йиғилган маблағларни иқтисодий секторга йўналтирилиши, молия-кредит сиёсатига давлатнинг аралашув даражасига қараб икки турга: банк ва бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимларга бўлинади. Бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимлар инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи мукамал ҳуқуқий режимга, аниқ шаклланган стандартлар ва инвесторларнинг ишончи асосига қурилса, банк муносабатларига асосланган молиявий тизимлар эса асосан молиявий муносабатлар ва гаров эвазига бунёд этилади. Бозор муносабатларига асосланган молиявий тизимларга эга давлатлар одатда капитални молиялаштириш учун ривожланган капитал бозорларига эга³² бўлса, банк муносабатларига асосланган молиявий тизимларга эга давлатлар эса ўзларининг кучли ва юқори салоҳиятга эга банк тизими билан тавсифланади.³³

Таҳлиллар натижаси молиялаштириш тизими банк ёки капитал бозорига асосланиши эмас, балки, молиявий тизимнинг қанчалик ривожланган, мустаҳкамлиги ва компаниялар ўз бизнесларини молиялаштиришнинг муқобил манбаларига эга эканлигини кўрсатди. МДХ давлатлари орасида банклар тизимининг устунлиги сабабли келиб чиқаётган бизнесни молиялаштиришдаги номутаносиблик тор ва кенг маънодаги жиддий ташвишларни туғдирмоқда. Тор маънода, бизнесни молиялашда у ёки бу молиявий тизимнинг устунликка эга бўлиши, компанияларнинг ўз бизнесини бошқа муқобил манбалардан фойдаланиш имкониятини чекламоқда. Кенг маънодаги таҳлиллар шуни кўрсатадики, банк муносабатларига асосланган молиялаштириш иқтисодиётда тизимли хавф келтириб чиқаради. Бизнеснинг фикримизча, мамлакат иқтисодиётининг у ёки бу шаклдаги молиявий тузилмага боғлиқлиги, банк ва капитал бозорига асосланган молиялаш тизимлари ўртасидаги мувозанат таъминлашга тўсқинлик қилмайди.

Ушбу боб доирасида шунингдек қарз ва капитал ҳамда банк ва капитал бозори тушунчаларининг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили ҳам амалга оширилиб, қарз ва капитал орқали молиялаштириш турли хил тамойилларга асосланган бизнесни молиялаштиришнинг икки хил тизими эканлиги, қарз эвазига молиялаштиришнинг асосий шarti кредитор томонидан аввалдан белгиланган фоизларда олиш ва аввалдан белгиланган муддатда қарзларни фоизи билан қайтариш мажбуриятини ўз зиммасига олиш эвазига маблағларни жалб этишдан иборатлиги, қарз эвазига молиялаштиришнинг асосий шакллари облигациялар чиқариш ва уларни сотишдан иборатлиги, бунда кредитор пулларни бериш ва шартномада кўрсатилган шартларда ва

Мисол учун, АКШнинг Хитойга ўз иқтисодиётига киришни де-факто чеклаш, АКШ-Хитой савдо урушини кўзгатиш ва глобалистик ёндашувдан кўра протекционистик ёндошувни афзал кўриш бўйича ташаббуслари ҳам давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокига оид назарияларнинг ўзгаришига олиб келиши мумкин.

³² Қаранг: Michiel J. Bijlsma and Gijsbert T. J. Zwart, *The Changing Landscape of Financial Markets in Europe, the United States and Japan*. No. 2013/02. Bruegel Working Paper, 2013.

³³ Michiel J. Bijlsma and Gijsbert T. J. Zwart, *The Changing Landscape of Financial Markets in Europe, the United States and Japan*. No. 2013/02. Bruegel Working Paper, 2013.

муддатларда пулларни талаб қилиб олиш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолиши аниқланди. Таҳлиллар натижасида қарз ва капитал эвазига молиялаштириш ўртасидаги асосий фарқ институционал омилларга боғлиқ эмас, балки аксинча маблағни жалб этиш шартлари ва муддатларига боғлиқ, деган хулосага келинди.

Тўртинчи боб доирасида банк ва капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солиш нуқтаи назаридан мувозанатлаштириш масаласи ҳам кўриб чиқилди. Таҳлиллар натижаси бизнесни банк ва капитал бозори орқали молиялаштиришда ҳуқуқий тартибга солишнинг ўрнини давлат томонидан банк секторини кенг кўламли қўллаб-қувватланишини, бу айниқса субсидиявий молиялаштириш дастурлари ва солиқ имтиёзлари орқали тўғридан-тўғри аралашув, банк секторининг давлат томонидан режали молиялаштирилиши ва фуқароларнинг банкдаги омонатлари қайтарилиши давлат томонидан кафолатланиши кабиларда яққол намоён бўлишини кўрсатди. Биз бозор муносабатларида давлатнинг керагидан ортиқ маъмурий тартиб тамойиллар билан аралашувини ёқламаймиз. Аксинча банк ва капитал бозорини молиялаштиришда давлат томонидан кўрсатиладиган эътибор тенг бўлиши мақсадга мувофиқ. Бу банк секторига давлат томонидан берилган имтиёзларни бекор қилиш керак дегани эмас, балки энг камида капитал бозорига ҳам шундай қўллаб-қувватлаш амалга оширилиши лозимлигини англатади. Банкларнинг капитал бозоридаги эмитент, акциядор ёки воситачи сифатидаги иштироки 70 фоиздан кўп бўлганлиги сабабли, юқорида таъкидланган ўзгаришлардан банк сектори нисбатан кам зарар кўради. Банклар ушбу ўзгартиришлар ўрнига тўғридан-тўғри капитал бозорига берилган имтиёзлардан фойдаланиши мумкин. Бизнингча давлат қарз ва капитал эвазига молиялаштириш тизимлари ўртасида қасддан ажратиш тарафдори эмас. Чунки банк ва капитал бозори ўртасида рақобатнинг мавжудлиги давлат ва компаниялар учун ҳам манфаатлидир. Капитал бозорини ривожлантириш бўйича банклар даражасидагидек бўлмаса-да, давлатнинг бир нечта ташаббуслари мавжудлиги буни тасдиқлайди. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражасининг турли хил эканлигига асосий сабаб мамлакатда банкнинг тутган ўрни ва мулкчилик шакллари билан боғлиқ, назаримизда.

Тадқиқот натижалари шунингдек давлат мулки даражасининг юқорилиги банк ва капитал бозорини молиялаштиришда ўртадаги тафовутни вужудга келтирувчи асосий омиллардан бири ҳисобланагини кўрсатди. Бу шуни англатадики, давлат банк ва банк фаолияти орқали молиялаштиришни қўллаб-қувватлайди, чунки банк секторидаги асосий активлар давлатга тегишлидир. Назарий жиҳатдан, давлат мулкчилиги банк ва капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишда турлича ёндошувнинг асосий сабаби дея олмаймиз. Чунки ўрганилган давлатларнинг барчасида давлат шерикчилик асосидаги юридик шахсларнинг активларида давлатнинг акциялари деярли бир хил, аммо банклар бошқа давлат улуши бор юридик шахсларга нисбатан субсидия, кафилик каби имтиёзлар билан сезиларли даражада қўллаб-

қувватланади. Лекин бу давлат айнан мулкчилик шаклидан келиб чиққан ҳолда банкларни қўллаб-қувватлайди деган хулосага олиб келмайди. Айни пайтда муаллиф айни шу масалада давлат мулкчилигининг салбий таъсирлар мавжудлигини инкор ҳам этмайди. Ушбу масала кейинги изланишларда давлат мулкчилигининг ўзига хос хусусиятларини тадқиқ этиш жараёнида янада чуқурроқ таҳлил этишни талаб этади.

Диссертациянинг бешинчи боби **“Капитал бозорида рақамли технологиялардан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари”**га бағишланган. Бугунги кунда капитал бозоридаги кўплаб компаниялар ахборот технологияларининг афзалликларини тобора кўпроқ тан олишмоқда ва замонавий технология провайдерлари билан ҳамкорлик қилиш бу имтиёзларни амалга оширишнинг калитидир.

Ушбу бобда Richie Santodiaz, Maume, K. Christidis, M. Devetsikiotis, Nakamoto, S., Rosa M. Garcia-Teruel, Héctor Simón-Moreno каби олимларнинг фикрлари ва амалиёт материаллари ўрганилиб, капитал бозорларида маълумотларни таҳлил қилиш имкониятлари, сунъий интеллект ва машинавий ўрганиш (machine learning) билан биргаликда ушбу соҳаларда янги имкониятлар очишилиши тадқиқ этилган. Кўпгина ташкилотлар ҳанузгача ўтмишдаги маълумотлар стратегияларидан фойдаланмоқда, бу эса уларнинг маълумотлар тўлиқ салоҳиятидан фойдаланиш ва тўғри бизнес қарорларини қабул қилиш қобилиятини чеклайди. Бизнес натижаларини аниқ башорат қилиш имкони бўлмаса-да, маркетинглар номаълум нарсаларни башорат қилиш, тахминларга асосланишдан кўра сунъий интеллект ёрдамида билимли қарорлар қабул қилишга таянади. Таҳлиллар натижасида сунъий интеллект капитал бозорларида молиявий ресурсларга эришишни янада эркинлаштириши, бунинг натижасида юқори самарадорлик, хавфсизлик ва капитал бозори айланмасининг ортишига ижобий таъсир кўрсатиши мумкинлиги, маъмурий вазифаларни одамларга қараганда тезроқ ва яхшироқ бажариши мумкинлиги, бу эса одамларга юқори қийматли фаолиятга эътибор қаратиш имконини бериши, шунингдек анъанавий тадқиқот усуллари орқали аниқлаб бўлмайдиган ҳолатларни кузатиш орқали истиқболли инвестиция имкониятларини топишга ёрдам бериши мумкинлиги аниқланди.

Бешинчи боб доирасида жаҳон молиявий тизимида автоматлаштирилган маслаҳатчилар “робот-маслаҳатчилар” – инвестициялар, банк иши хизматлари ва суғуртага оид кўрсатмалар бўйича истеъмолчиларга ёрдамлашувчи молиявий хизматлар саноати пайдо бўлаётганлиги, робот-маслаҳатчилар истеъмолчилар учун тўлов қийматини пасайтириш ва молиявий маслаҳат сифати ҳамда шаффофлигини оширишда потенциал имкониятга эгаллиги ҳам аниқланиб, капитал бозорида уларнинг хизматларидан фойдаланишда ҳуқуқ фани олдида турган энг муҳим масалалардан бири бу робот-маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий мақоми, жавобгарлиги ва субъектлилиги каби долзарб вазифаларни ҳал қилиш замонавий капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини ишлаб чиқишда инobatга олиниши лозимлиги асосланган. Ушбу боб доирасида шунингдек бугунги

кунда жаҳон капитал бозорида тобора фаол қўлланилиб келинаётган рақамли активлар, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ушбу воситаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш жараёнида иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик доираси каби масалаларни ҳар томонлама, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланиш қоидаларини белгилаш ҳамда иқтисодий тизимнинг хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан илмий назарий тадқиқ этиш ва ушбу масалаларнинг тегишли ҳуқуқий асосларини яратишнинг зарурлиги кўриб чиқилди. Бобда асосан капитал бозорида сунъий интеллектдан ва робот-маслаҳатчилар фаолиятдан, шунингдек рақамли мол-мулкдан фойдаланишнинг ҳуқуқий масалалари атрофлича ёритилди. Тадқиқот предмети ва ҳажмига қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда ушбу масалаларни батафсил таҳлил этиш имкони бўлмади. Капитал бозорларида рақамли активларнинг ҳуқуқий асосларини ишлаб чиқиш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш масалалари шу соҳада амалга ошириладиган келгусидаги тадқиқотларнинг предмети бўлиши мумкин.

Диссертациянинг **“Капитал бозорининг ҳуқуқий асосларини ривожлантириш истиқболлари”** деб номланган олтинчи бобида МДХ мамлакатларида ва хусусан Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш бўйича мавжуд асосий муаммолар ҳамда уларнинг ечимлари ҳақида сўз юритилган. Жумладан МДХ мамлакатларидаги асосий муаммолар сифатида бозорнинг юқори даражада концентрациялашганлиги, капитал бозорининг капиталлашуви мамлакат ялпи ички маҳсулотининг атиги 1 фоизини ташкил этиши, капитал бозорининг ликвидлиги пастлиги, бунинг асосий сабабларидан бири эса юқори сифатли молиявий воситаларнинг йўқлиги ва шунга мос равишда инвесторларнинг капитал бозори орқали инвестицияларни жалб қилишдан манфаатдор эмаслиги, шунингдек бугунги кунда МДХ давлатларининг капитал бозори адолатли нархларни белгилаш, инвесторларнинг бозорга эркин киришини ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлай олмаслиги сабабли унчалик самарали эмаслиги каби ҳолатлар кўриб чиқилди.

Бундан ташқари МДХ давлатлари капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришдаги яна бир муҳим масала бу бизнесни молиялаштиришда капитал бозоридан жалб этиладиган молиявий воситалар эмас, балки давлат томонидан субсидияланган ставкаларда бериладиган банк кредитлари ҳисобланиши алоҳида таъкидланди. Ушбу муаммоларнинг ечимини топиш мақсадида айрим МДХ мамлакатларининг капитал бозорини тартибга солишга қаратилган қонунчилиги қиёсий-ҳуқуқий нуқтаи назардан ўрганилди ва тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Шу билан бирга мазкур бобда Ўзбекистонда капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими таҳлил қилиниб, ушбу соҳадаги қонунчиликни такомиллаштириш асосан иккита йўналишда олиб борилиши илгари

сурилди. Бунда дастлабки йўналиш бугунги кунда тарқоқ бўлган норматив ҳужжатларни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда консолидация қилиш орқали инвесторлар учун қулай бўлган ягона ҳуқуқий манбани яратиш бўлиб, бу асосан капитал бозори тўғрисидаги янги қонун қабул қилиш орқали амалга оширилиши ва мазкур қонунда нималар аск этирилиши лозимлиги асослаб берилди. Ўзбекистонда капитал бозори соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштиришнинг иккинчи йўналиши бу регуляторнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлар ҳамда жавобгарлиги белгиланган алоҳида қонун қабул қилиниши таклифи бўлиб ҳисобланади. Ушбу тадқиқотда мазкур қонунни қабул қилишнинг зарурати, концепцияси ва унда қандай масалалар ёритилиши лозимлиги асослаб берилди.

Капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизимини такомиллаштиришнинг назарий асоси сифатида Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш зарурати ва аҳамияти асослаб берилди. Хусусан тадқиқотчига кўра, мазкур концепция уч асосий босқичдан иборат тарзда тузиб чиқилиши ҳамда ҳар бир босқичнинг алоҳида мақсади ва унда амалга ошириладиган асосий чоралар кўрсатиб ўтилди.

Ўзбекистон Республикасининг капитал бозори тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини инвентаризация қилиш, шунингдек, амалдаги нормалар таҳлили шуни кўрсатадики, Ўзбекистоннинг қимматли қоғозлар бозорига доир қонунчилик базаси қуйидаги сабабларга кўра кенг қамровли ислоҳотга муҳтож:

1. Қимматли қоғозлар бозорини қўллаб-қувватловчи амалдаги меъёрий-ҳуқуқий база жуда тарқоқ ва кўплаб қарама-қарши қонунлар ва қоидаларни ўз ичига олади. Бу бозорга кириш ва самарали фаолиятни ташкил этишга тўсқинлик қилади ҳамда қатор ноаниқликларни келтириб чиқаради. Бунда қонунчилик базасини халқаро стандартларни инобатга олган ҳолда бирлаштириш ва соддалаштириш самарали ечимлардан бўлиши мумкин;

2. Бундан ташқари, амалдаги қонунчиликда капитал бозорини тартибга солиш ваколатига эга бўлган давлат органининг роли ва масъулияти аниқ ва холисона белгиланмаган. Регуляторнинг ҳуқуқий мақоми, хусусан, назорат ва ижро ваколатлари етарли даражада эмас. Ушбу номувофиқликни тузатиш учун қуйидагиларни амалга ошириш керак бўлади: мавжуд ҳуқуқий базани тўлиқ баҳолаш ва Қимматли қоғозлар бўйича халқаро ташкилот - IOSCO тамойиллари билан таққослаш ва шунга мос равишда қайта кўриб чиқиш.³⁴ Шунингдек регуляторга тегишли тартибга солиш муҳитини ҳам халқаро стандартларга мослаштириш мақсадга мувофиқ саналади,³⁵ 3. Шу билан бирга, қимматли қоғозлар бозорини қўллаб-қувватловчи меъёрий-ҳуқуқий базада бўшлиқлар мавжуд бўлиб, улар бозорда шартномалар бажарилишида

³⁴ IOSCO, Objectives and Principles of Securities Regulation, June 2010. <https://www.iosco.org/library/pubdocs/pdf/IOSCOPD562.pdf>

³⁵ IOSCO, Methodology For Assessing Implementation of the IOSCO Objectives and Principles of Securities Regulation, May 2017. <https://www.iosco.org/library/pubdocs/pdf/IOSCOPD562.pdf>

ноаниқликни келтириб чиқаради. Қимматли қоғозлар бозорини тартибга солувчи қонунларнинг аксарияти эскирган ва технологик тараққиётдан, хусусан, бозорнинг шаффофлиги, қимматли қоғозларга эгалик қилиш, ўтказиш ва гаровга қўйиш қоидаларига нисбатан ортда қолмоқда ва модернизация қилишни талаб қилади.

Бизнинг фикримизча, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва қонуности ҳужжатлари жуда кўп ва улар кўпинча ноаниқдир. Аксинча, таклиф этилаётган «Капитал бозори тўғрисида»ги ягона қонун зарур нормалар ва қонуности ҳужжатларини ўз ичига олади ва мустаҳкамлайди. Бу маҳаллий ва хорижий инвесторларнинг Ўзбекистон фонд бозорининг ҳуқуқий асосларини тушунишини осонлаштиради.

Фикримизча, Ўзбекистон капитал бозори кенг қамровли ҳуқуқий ва тартибга солувчи ислохотга муҳтож бўлиб, у қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

1. Ушбу тадқиқотда кўриб чиқилган ва унинг иловасида келтирилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини халқаро стандартлар ва ягона ҳуқуқий манба яратиш нуқтаи назаридан тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Бунда асосий эътиборни қимматли қоғозларга бўлган мулк ҳуқуқининг таъминланиши, инвесторларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши ва ҳамда бозордаги таваккалчиликнинг бошқарилиши масалаларига қаратиш мақсадга мувофиқ саналади. Норматив-ҳуқуқий базани модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш жараёнида нафақат қимматли қоғозлар бозори тўғрисидаги қонун, балки ушбу соҳага тааллуқли нормалар акс эттирилган бошқа қонунчилик ҳужжатлари, жумладан, фуқаролик кодекси, банк ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун, электрон тўлов тизимлари ва электрон тижоратга оид қонунчилик ҳамда гаров ва банкротлик тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини халқаро стандартлар ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш лозим. Шунингдек электрон қимматли қоғозлар тўғрисидаги қонун қабул қилиниши бугунги кунда кўлами тобора ортиб бораётган рақамли активларнинг капитал бозоридаги муомаласининг ҳуқуқий асосларини таъминлайди.

Бозорни ривожлантириш ва бозорни тартибга солишнинг ушбу босқичида биз янги қонунчиликка устувор ёндашув сифатида қоидаларга асосланган ёндашувни (rule based regulation) таклиф қиламиз. Умумий ёндашув сифатида принципларга асосланган тартибга солиш (principle based regulation) одатда ривожланган бозорни, хусусан, "ривожланган регулятор" ва бозор иштирокчилари ўртасида юқори даражадаги ишончни талаб қилади. Бир томондан, принципаал ёндашув кўпроқ мослашувчанликни таъминлайди, аммо мослашувчанликни самарали қўллаш учун регулятордан кўпроқ маҳорат ва тажриба талаб этилади. Шунингдек, у турли ҳолатларда тамойиллар ва мақсадларнинг бир-бирига зид равишда қўлланилиши ва эришилиши билан боғлиқ тартибга солиш хавфини келтириб чиқариши мумкин.

Амалдаги барча қонуности ҳужжатлари уларнинг тегишлилиги, янги қонунларга мувофиқлиги ва тўлиқлигини аниқлаш учун қайта кўриб чиқилиши керак. Қолаверса, «Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририда «қулай» шарт-шароитлар яратилиши кутилаётганлиги сабабли, салмоқли миқдорда янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар яратилиши ҳамда айрим қонун ва қарорларнинг мазмуни ўз кучини йўқотиши мумкин.

«Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида»ги янги қонун доирасидаги қоидаларни амалга ошириш қийин бўлади, чунки уларнинг бажарилишини ва ҳуқуқий ишончнинг юқори даражасини таъминлаш учун улар мамлакатнинг умумий ҳуқуқий тизимига яхши интеграциялашуви зарур. Танқидий баҳолашнинг мақсади, шунингдек, тартибга солувчининг қоидаларини аниқ тушуниш ва уларни процессуал/институционал масалаларга (лицензиялаш тартиб-қоидалари, оммавий оферта, оммавий сотиб олиш таклифи, эмиссия проспектини тасдиқлаш) ажратишдир.

2. Капитал бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли органнинг салоҳиятини ошириш. Деярли барча ривожланган ва муваффақиятли ривожланаётган мамлакатларда молия бозорларининг яхлит ва мустақил регуляторлари мавжуд. Шунинг учун молия секторини ривожлантириш ва назорат қилиш сиёсатида консолидациянинг йўқлиги бугунги кунда миллий бозорни шакллантиришга тўсқинлик қилаётган асосий муаммолардан бири ҳисобланади. Регулятор фаолиятини ислоҳ қилиш унинг ҳуқуқий мақоми, институционал, функционал ва иқтисодий мустақиллиги, мақсадлари ва ижро этиш ваколатлари, шу жумладан назоратга оид қоидаларни ўз ичига олиши керак. Регуляторнинг салоҳиятини, асосан, назорат ва ижро ҳокимияти ва имкониятларини кучайтириш нуқтаи назаридан яхшилаш керак. Бугунги кунда пул ўтказишларда, чет элга пул юборишда, уни қабул қилишда, конвертацияда бир нечта органларнинг ваколатларида ноаниқликлар бор. Капитал бозорига оид масалаларда регуляторга ҳамма ҳуқуқни бериш керак, яъни умумий биржаларга – валюта конвертациясига ҳам, товар-хомашё биржасига ҳам битта катта регулятор бўлса, тартибни ўша вазирлик ёки идора амалга оширса мақсадга мувофиқ бўлади.

Таклиф этилаётган чора-тадбирлар капитал бозорига сармоя киритиш ва ундан маблағ олиш ҳуқуқига эга бўлган компанияларнинг фаолиятини кенгайтириш, қимматли қоғозлар турларини диверсификация қилиш, аҳолининг капитал бозори ва ундаги молиявий воситалар ҳақидаги билими ва ишончини ошириш борасидаги ислохотларни ўз ичига олади. Ушбу тадқиқотда Ўзбекистон мисолида капитал бозорини такомиллаштиришга оид билдирилган таклифлар мазкур илмий ишда қиёсий ўрганилган бошқа МДХ мамлакатлари учун ҳам намуна сифатида татбиқ этилиши мумкин.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқотда Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш масалалари ривожланган хорижий мамлакатлар ҳамда айрим МДХ мамлакатлари тажрибасини қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш ва молия бозорида рақобат муҳитини ҳамда молиялаштиришнинг муқобил вариантларини таъминлаш нуқтаи назаридан ўрганишга ҳаракат қилинди. Ушбу муқобил вариантлар капитал бозорининг назарий ва амалий муаммоларини қамраб олади. “Ўзбекистонда капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш масалалари” мавзусидаги диссертация тадқиқоти натижаси бўйича қуйидаги илмий-назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хулосаларга келинди:

I. Илмий назарий хулосалар:

1. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатдики, мустақкам қонунчилик базаси, мулкӣ ҳуқуқлар ва акциядорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши, шартномалар ижросини таъминлаш ва қонун устуворлигининг таъминланиши капитал бозорининг ҳуқуқий таъминланишидаги энг муҳим омиллардан саналади. Ҳуқуқий тизимда мазкур омилларнинг таъминланиши капитал бозори орқали амалга ошириладиган инвестицияларнинг сифати ва кўлами ортишига сабаб бўлади.

2. Тадқиқот жараёнида капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишнинг зарурати масаласи таҳлил этилиб, инвесторлар ҳимоясини кучайтириш, рақобатни таъминлаш ва бозор муносабатларида адолатни кафолатлаш учун капитал бозорини тегишли ҳуқуқий тартибга тизими мавжуд бўлиши керак, деган хулосага келинди. Бу айниқса Ўзбекистон сингари ўтиш даври иқтисодиёти давлатлар учун янада кўпроқ зарур. Бунга сабаб инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларни бозордаги ноинсоф иштирокчилар томонидан амалга ошириладиган турли молиявий фирибгарликлардан ҳимоя қилиш ва умумдавлат миқёсида иқтисодиётдаги таваккалчиликларни бошқариш бўлиб ҳисобланади. 2008 йилда рўй берган молиявий инқирознинг мисли кўрилмаган оқибатлари нафақат миллий миқёсда, балки минтақавий ва глобал миқёсларда ҳам бунини яққол кўрсатди.

3. Тадқиқотда шунингдек капитал бозорининг миллий, минтақавий ва глобал миқёсда ривожланишига бевосита ва билвосита таъсир қилувчи омиллар, уларни иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, маданий, институционал ва ҳуқуқий омилларга таснифлаш орқали таҳлил қилиниб, Ўзбекистон ва тадқиқ этилган МДХ мамлакатларида самарали капитал бозорини яратиш учун институционал ва ҳуқуқий омилларга таянган ислохотлар муҳим аҳамиятга эга, деган хулосага келинди. Хусусан, ушбу тадқиқотда бозорнинг олигополистик табиати, молиявий хизматлар соҳасида рақобатнинг йўқлиги, давлатнинг бозордаги ҳам регулятор, ҳам асосий иштирокчи сифатида муҳим рол эгаллаши асосий институционал муаммолар сифатида таҳлил қилинди.

4. Капитал бозорини ривожлантиришнинг яна бир йўли сифатида бугунги кунда амалда кенг тарқалган бизнесни молиялаштиришнинг яширин механизмларини қонунийлаштириш ва бу орқали тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий кафолатлар, нисбатан арзон маблағлар ва инвесторларга эса қонуний муқобил йўл ташкил этилиши асослаб берилди. Давлат бундай ислоҳотдан ҳеч бўлмаганда инвесторларнинг молия тизимига ишончини ошириш, инвестициялар оқими ва қўшимча солиқлар ҳисобига фойда кўради.

5. Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, назария капитал бозорини тартибга солишга сезиларли таъсир кўрсатади, тартибга солишнинг ҳозирги назарий асослари бир томонлама ривожланган бўлиб, асосан шахсий манфаатларга, бойликни максимал даражада оширишга ва микроиқтисодий ҳисобга олишга қаратилган, бозор ва инсон хусусиятларини етарли даражада акс эттирмаслиги асослаб берилди. Замонавий капитал бозори муносабатлари бозор иштирокчиларининг маънавий қадриятларини фаоллаштириш ва ривожлантиришга қодир бўлган, ҳеч бўлмаганда, уларнинг илғор моддий манфаатларига нисбатан қандайдир қарама-қарши мувозанатни таъминлайдиган даражада фаоллаштиришга қодир бўлган принципаал назарий асос зарурлиги исботлаб берилди. Бунда диссертант томонидан фанга “Ахлоқий қадриятлар танқислиги синдроми” номли янги назария тақдим этилиб, унинг зарурати, аҳамияти ва мазмуни ёритиб берилди.

6. Тадқиқот натижасида капитал бозори мулкчилик таркибидаги номуносивлик аниқланди ва бунда давлатнинг мулки сезиларли ҳажм ва таъсирга эгаллиги исботлаб берилди. Капитал бозори ривожланган мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда давлатнинг капитал бозоридаги улушини камайтириш, кенг қамровли хусусийлаштириш дастурларини (IPO ва SPO лар) амалга ошириш орқали бозорда рақобат шароитларини қўллаб-қувватлаш ҳамда капитал бозорида хусусий сектор ривожини рағбатлантириш таклиф этилмоқда. Бунинг учун “давлат асосий регулятор ва асосий иштирокчи” ҳолатидан “давлат регулятор” ҳолатига ўтиш лозимлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди.

7. Тадқиқот доирасида давлат корхоналарининг капитал бозоридаги иштироки масаласи таҳлил қилиниб, унда Ўзбекистон ва тадқиқотда ўрганилган МДҲ мамлакатларида давлатнинг капитал бозоридаги иштирокчилик ролини инкор этиб бўлмаслиги, бу борада асосий эътиборни давлат корхоналари ва хусусий корхоналар фаолиятини тартибга солишда адолатлилик ва тенглик тамойилига риоя этилиши лозимлиги асослаб берилди. Бунда давлат корхоналаридаги корпоратив бошқарувнинг шаффофлиги ва рақобатдаги бетарафлик (Competitive neutrality) ни таъминлаш муҳим ўрин эгаллаши асослаб берилди.

8. Капитал бозорида давлатнинг роли масаласида ушбу соҳани тартибга солиш бўйича ваколатли органнинг ҳуқуқий мақоми масаласи кўриб чиқилиб, самарали ва барқарор капитал бозорини барпо этиш учун кучли ва

мустақил регулятор кераклиги исботлаб берилди. Бунда асосий эътибор регуляторнинг институционал, функционал ва иқтисодий мустақиллигига қаратилиши ҳамда ушбу масаладаги асосий халқаро стандарт ҳисобланган IOSCO тамойилларини жорий этиш лозимлиги асослаб берилди.

9. Ўзбекистондаги бизнесни молиялаштиришда банк ва капитал бозори ўртасидаги юқори тафовут борлиги аниқланди ва унинг ҳуқуқий сабаблари таҳлил қилинди ва бизнесни молиялаштириш манбаларини мувозанатлаш бўйича ечимлар таклиф этилди. Хусусан, тадқиқот натижаларига кўра, ҳар қайси молиялаштириш шакли (банк ва капитал бозори) пайдо бўлиши ва ривожланишида молиявий тузилмалар муҳим аҳамиятга эга, лекин бир иқтисодий структура бошқасининг ривожланишини чекламаслиги лозим, деган хулосага келинди. Шунингдек, қайси турдаги молиялаштириш тизими мамлакат молиявий тизимида юқори устунликка эга бўлмасин, соҳани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базаси банк ва капитал бозори ўртасида ҳаққоний ва ҳалол рақобат учун адолатли ва тенг шароит яратиши лозимлиги исботлаб берилди.

10. Тадқиқот доирасида Ўзбекистонда банк ва капитал бозори орқали молиялашнинг ҳуқуқий тартибга солиниши масаласи таҳлил этилиб, бозор муносабатларида давлатнинг керагидан ортиқ маъмурий тартиб тамойиллар билан аралашуви мақсадга мувофиқ эмаслиги, банк ва капитал бозорини молиялаштиришда давлат томонидан кўрсатиладиган эътибор тенг бўлиши лозимлиги асослаб берилди. Бунда банк секторига давлат томонидан берилган имтиёзлар бекор қилиниши керак дегани эмас, балки энг камида капитал бозорига ҳам шундай қўллаб-қувватлаш амалга оширилиши лозим, деган позиция илгари сурилди. Бунда банклар ва бошқа давлат улуши бор юридик шахсларга нисбатан бериладиган субсидия, кафилик каби имтиёзларни капитал бозорининг бошқа иштирокчиларига нисбатан ҳам татбиқ этишнинг ҳуқуқий тизимини яратиш муҳимлиги асослаб берилди.

11. Капитал бозорини ҳуқуқий тартибга солишдаги номуносивликнинг яна бир жиҳати молиявий хизматлар истеъмолчилари ва инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишда кўринишлиги аниқланди. Банк ва капитал бозорининг ҳуқуқий тизими қиёсий таҳлили натижаларидан ҳамда Россия ва Қозоғистон тажрибасидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда капитал бозори иштирокчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш мақсадида молия омбудсмани институти жорий этиш зарурати асослаб берилди.

12. Бутун дунёда ахборот технологиялари ривожланаётган ва тўртинчи sanoat инқилоби борасидаги масалалар кун тартибидан тушмаётган бугунги кунда рақамли технологиялар ва хусусан сунъий интеллектнинг молия институтларининг анъанавий иш моделларига таъсирини ўрганиш ва бу борада минимал бўлса-да, муайян ҳуқуқий майдонни таъминлаш бугунги куннинг долзарб эканлиги асослаб берилди. Капитал бозорларида маълумотларни таҳлил қилиш, онлайн инвестиция хизматларини кўрсатиш, иштирокчиларни масофадан биометрик идентификациялаш каби

масалаларда сунъий интеллект ва машинавий ўрганишлардан (Machine learning) фойдаланиш бозор ривожланиши учун янги имкониятлар очиши асослаб берилди. Бу масалаларнинг ҳуқуқий асосларини таъминлашда капитал бозорида сунъий интеллектдан фойдаланишда инвесторлар маълумотларининг дахслизлиги, шаффофлик ва хавфсизлик каби масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши лозимлиги исботлаб берилди.

13. Капитал бозорида рақамли инвестицияларни бошқариш ва автоматлаштирилган инвестициялар бўйича маслаҳатчи дастурлар – робот-маслаҳатчилар бир вақтнинг ўзида молиявий маслаҳатчилар, брокерлар, фонд бошқарувчилари сингари учта профессионал иштирокчи томонидан кўрсатиладиган хизматни амалга ошириши мумкинлиги назарий жиҳатдан асослаб берилди ва капитал бозорининг ҳуқуқий тизимида бу турдаги иштирокчиларнинг фаолиятини тартибга солиш турлича этиб белгиланганлиги нуқтаи назаридан робот-маслаҳатчиларнинг ҳуқуқий мақомини белгилаш бўйича алоҳида тадқиқотлар зарурати кўрсатилди.

14. Бугунги кунда жаҳон капитал бозорида тобора фаол қўлланилиб келинаётган токен, криптоактивлар каби рақамли активлар, уларнинг ҳуқуқий мақоми, ушбу воситаларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва тасарруф этиш жараёнида иштирок этадиган субъектларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлик доираси каби масалаларни ҳар томонлама, инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уларнинг шахсий маълумотларидан фойдаланиш қоидаларини белгилаш ҳамда иқтисодий тизимнинг хавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан илмий назарий тадқиқ этиш ва ушбу масалаларнинг тегишли ҳуқуқий асосларини яратишнинг зарурлиги асослаб берилди.

15. Тадқиқотда ўрганилган МДҲ мамлакатлари капитал бозоридаги асосий муаммолар сифатида бозорнинг юқори даражада концентрациялашганлиги, капитал бозорининг капиталлашуви ва ликвидлиги пастлиги, бунинг асосий сабабларидан бири эса бозорда юқори сифатли молиявий воситаларнинг йўқлиги ва шунга мос равишда инвесторларнинг капитал бозори орқали инвестицияларни жалб қилишдан манфаатдор эмаслиги, шунингдек бугунги кунда бу бозорларда адолатли нархларни белгилаш, инвесторларнинг бозорга эркин киришини ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлай оладиган ҳуқуқий тизим мавжуд эмаслиги асослаб берилди.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни янада такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар:

16. Тадқиқот доирасида капитал бозорининг ҳуқуқий тизимини такомиллаштириш масаласидаги яна бир муҳим муаммо - инвесторларнинг бозорга кириши ва ундаги ҳуқуқий чекловлар бўлиб, бу ҳол бозорни ривожланишига тўсқинлик қилаётган омиллардан эканлиги аниқланди ва бу муаммонинг ечими сифатида қонунчиликка миллий ва хорижий

субъектларнинг капитал бозорига киришини соддалаштириш ва уларнинг ҳалол ва фаол иштирокини қўллаб-қувватлашга оид нормалар киритилиши лозимлиги асослаб берилди.

17. Тадқиқотда шунингдек, бозорда муомаладаги қимматли қоғозлар турларини диверсификация қилишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш капитал бозорининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш салоҳиятини оширишга оид асосий масала сифатида ўрганилди ва ечим сифатида ислом молиявий воситалари, хусусан сукукни кенг жорий этиш, бунинг учун эса энг аввало муқобил молиявий воситалар муомаласининг ҳуқуқий тизими яратиш лозимлиги асослаб берилди. Бундан ташқари кичик ва ўрта корхоналарга ҳам капитал бозори орқали маблағ жалб этиш, муайян молиявий воситаларни муомалага чиқариш ва ҳисобот беришнинг соддалаштирилган тартиб-қоидаларини тақдим этишга оид ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштириш яхши самара бериши исботлаб берилди.

18. Қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада бўлишини, инвестицияларни кенг жалб этиш, корпоратив бошқарувни ривожлантириш ва аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутувчи Ўзбекистонда капитал бозорини ривожлантириш Концепциясини ишлаб чиқиш зарурати асослаб берилди. Инвесторлар базасини кенгайтириш ва диверсификация қилиш, молиявий саводхонликни яхшилаш орқали қимматли қоғозларга бўлган талабни ошириш, эмитентлар сонини кўпайтириш ва янги молиявий инструментлар орқали қимматли қоғозлар таклифини кенгайтириш, қонунчилик ва назорат тизимини такомиллаштириш, капитал бозори инфратузилмасини яхшилаш ва капитал бозорини мувофиқлаштирувчи органнинг институционал салоҳиятини мустаҳкамлаш Концепциянинг асосий йўналишлари этиб белгилаб берилди.

19. Ўзбекистонда капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими таҳлили доирасида бу борадаги ислохотларнинг дастлабки йўналиши сифатида бугунги кунда тарқоқ бўлган норматив ҳужжатларни халқаро стандартлардан келиб чиққан ҳолда консолидация қилиш орқали инвесторлар учун қулай бўлган ягона ҳуқуқий манбани яратиш лозимлиги асослаб берилди. Бунда асосан капитал бозори тўғрисидаги янги қонун қабул қилиш зарурати ва мазкур қонунда акс эттирилиши лозим бўлган асосий қоидалар белгилаб берилди.

20. Ўзбекистонда капитал бозорини тартибга солишнинг ҳуқуқий тизими таҳлили доирасида бу борадаги ислохотларнинг иккинчи йўналиши сифатида регуляторнинг ҳуқуқий мақоми, ваколатлари, ҳуқуқ ав мажбуриятлари ва жавобгарлиги белгиланган алоҳида қонун қабул қилиниши асослаб берилди ва мазкур қонунда ёритилиши лозим бўлган асосий қоидалар белгилаб берилди.

21. Ўзбекистонда банк орқали молиялаштириш тизими нисбатан ривожланган бўлиб, бу ерда турли хил молиявий институтлар ўртасида ҳалол рақобатни таъминловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар базасини яратиш

лозим. Молиявий воситаларга келадиган бўлсак, қарз ва капитал эвазига молиялаштириш тизимлари ўртасида сезиларли фарқлар мавжудлигини кўришимиз мумкин ва буни банк ҳамда капитал бозоридаги молиялаштиришни мувофиқлаштиришда инобатга олиш лозим.

22. Тадқиқотда ўрганилган мамлакатлар қонунчилигида инвестиция ва кредит ҳамда инвестор ва кредитор тушунчаларининг ҳуқуқий талқини ва мақоми ўртасида катта фарқ мавжудлиги аниқланди. Қонунчилик акция ва акциядорларнинг ҳуқуқларига нисбатан банк кредитлари ва кредиторларнинг ҳуқуқларини яхшироқ ҳимоя қилмоқда. Буни бартараф этиш мақсадида қонунчиликда банк ва капитал бозори орқали молиялаштиришда адолатлилиқ ва тенгликни таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш лозимлиги асослаб берилди.

23. Таклиф этилаётган Капитал бозори тўғрисидаги янги қонунда капитал бозорида сунъий интеллектни қўллаш бўйича алоҳида банд киритиб, унда капитал бозори иштирокчиларининг фаолиятини мониторинг қилиш самарадорлигини ошириш, инвестиция хизматлари кўрсатиш сифатини таҳлил қилиш, фойдаланувчиларни масофадан биометрик идентификациялаш (Face-ID) ва таваккалчиликларни баҳолаш (Risk management) учун сунъий интеллект технологияларини қўллашнинг ҳуқуқий асослари яратилиб, амалиёти жорий этилиши соҳанинг ривожига ижобий таъсир кўрсатиши асослаб берилди.

24. Капитал бозорида рақамли инвестицияларни бошқариш ва автоматлаштирилган инвестициялар бўйича маслаҳатчи дастурлар - робот-маслаҳатчилардан фойдаланишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш энг аввало бундай хизматларни кўрсатувчи компаниялар томонидан маълумотни ошкор қилиш талабларини такомиллаштириш, робот-маслаҳатчиларнинг ишончли мажбуриятларини такомиллаштириш ва робот-маслаҳатчиларнинг алгоритмларини тартибга солиш каби қоидаларни ўрнатиш ҳамда робот-маслаҳатчининг фидуциар мажбурияти ҳамда жавобгарлигига оид нормаларни қабул қилиш мақсадга мувофиқлиги асослаб берилди.

25. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш таклиф этилди:

“96-1-модда. Қимматли қозғоз бўйича ҳуқуқларни ўтказиш

Қимматли қозғозни тақдим этувчига бўлган ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш учун қимматли қозғозни ушбу шахсга топшириш кифоя.

Ҳужжатли шаклда чиқарилган рўйхатдан ўтган қимматли қозғоз билан тасдиқланган ҳуқуқлар даъво учун белгиланган тартибда ўтказилади.

Эмиссиявий қимматли қозғозлар бўйича ҳуқуқларни ўтказиш ва улар бўйича ҳуқуқларни тасдиқлаш хусусиятлари Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари билан белгиланади.

Буюртма қозғози бўйича ҳуқуқлар ушбу қозғозга индоссамент ёзиш орқали ўтказилади. Ордер қимматли қозғози (индоссант) бўйича ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказувчи шахс нафақат ҳуқуқнинг мавжудлиги, балки унинг амалга оширилиши учун ҳам жавобгар бўлади, Ўзбекистон Республикасининг

кўчмас мулк гарови тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

Қимматли қозғоз бўйича тузилган индоссамент қимматли қозғоз билан тасдиқланган барча ҳуқуқларни қимматли қозғоз бўйича ҳуқуқлар унинг бўйруғига ўтган шахсга (индоссатга) ўтади.

Индоссамент фақат қимматли қозғоз билан тасдиқланган ҳуқуқларни амалга ошириш тўғрисидаги кўрсатма билан, бу ҳуқуқларни индоссантга ўтказмасдан чекланиши мумкин. Бундай ҳолда, индоссант вакил сифатида ишлайди.”

26. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексини қуйидаги мазмундаги янги модда билан тўлдириш таклиф этилди:

“96-2-модда. Қимматли қозғоз бўйича ижро этиши

Қимматли қозғозни берган шахс ва уни индоссаңия қилган барча шахслар унинг қонуний эгаси олдида биргаликда жавобгар бўладилар, Ўзбекистон Республикасининг кўчмас мулк гарови тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно. Агар қимматли қозғознинг қонуний эгасининг у томонидан тасдиқланган мажбуриятни бажариши тўғрисидаги талаби қимматли қозғоз бўйича мажбурият бўлган шахслардан бир ёки бир нечта шахс томонидан қаноатлантирилса, улар илгари ўз зиммасига олган бошқа шахсларга регресс ҳуқуқига эга бўладилар.

Қимматли қозғоз билан тасдиқланган мажбуриятни, уни бажариши учун асос йўқлиги ёки унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ ҳолда бажаришни рад этишига йўл қўйилмайди.

Қимматли қозғознинг сохталигини ёки қалбакилигини аниқлаган қимматли қозғоз эгаси қозғозни ўзига топширган шахсга қимматли қозғоз билан тасдиқланган мажбуриятни лозим даражада бажариши ва етказилган зарарни қоплаш тўғрисида талаб қўйишига ҳақли.

Ноқонуний эгасига тегишли қимматли қозғоз бўйича ҳуқуқлар амалга оширилмайди.”

**SCIENTIFIC COUNCIL No DSc.07/30.12. 2019.Yu.22.01
FOR AWARDING SCIENTIFIC DEGREES
AT TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW**

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF LAW

NARZIEV OTABEK SA'DIEVICH

**ISSUES OF IMPROVING THE LEGAL SYSTEM OF THE CAPITAL
MARKET IN UZBEKISTAN**

12.00.03 – Civil law. Business law.
Family law. Private international law

**Doctoral (DSc) dissertation abstract
on legal sciences**

Tashkent 2022

The theme of the doctoral dissertation (DSc) was registered at the Supreme Attestation Commission under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan under number B2022.1.DSc/Yu190.

The dissertation is prepared at Tashkent state university of law.
The abstract of the dissertation is posted in three languages (Uzbek, Russian, English (summary)) on the website of the Scientific Council (www.tsul.uz) and Information educational portal «ZiyoNET» (www.ziynet.uz).

Scientific supervisor:

Said Saidakhrarovich Gulyamov
Doctor of Science in Law, Professor

Official opponents:

Nazarov Yusuf Bozorovich,
Doctor of Science in Law, Associate Professor

Xodjayev Baxshillo Kamalovich,
Doctor of Science in Law, Associate Professor

Bekmurodov Adxam Sharipovich,
Doctor of Science in Economics, Professor

Leading organization:

**Lawyer Training Center under the Ministry of Justice
of the Republic of Uzbekistan**

The defense of the dissertation will be held on May 21, 2022 at 10.00 at the Session of the Scientific Council DSc.07/30.12/2019.Yu.22.01 at the Tashkent State University of Law (Address: 100047, Sayilgokh street, 35. Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36; Fax: (99871) 233-37-48; e-mail: info@tsul.uz).

The doctoral dissertation is available at the Information Resource Center of Tashkent State University of Law (registered under No.1045), (Address 100047, Amir Temur street, 35. Tashkent city. Phone: (99871) 233-66-36).

The abstract of the dissertation distributed on May 5, 2022.

(Registry protocol No10 on May 5, 2022).



I.R. Rustambekov
Chairman of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, Doctor of
Science in Law, Professor

D.Yu. Khabibullaev
Secretary of the Scientific Council for
awarding scientific degrees, Candidate
of Science in Law, Professor

N.F. Imomov
Deputy Chairman of the Scientific
Seminar under the Scientific Council for
awarding scientific degrees, Doctor of
Science in Law, Professor

INTRODUCTION (abstract of the doctoral dissertation)

The importance of the dissertation topic and demand for it. Global economic activity, which has declined due to the pandemic, has entered a phase of recovery in 2021, and other sectors of the economy have shown significant growth in the capital markets as well. In particular, the global stock market capitalization amounted to 105.8 trillion dollars, an increase of 18.2% over the previous year.¹ In the United States alone, the figure was \$ 12.2 trillion, up 48.1 percent from a year earlier. Despite the positive growth, in some developing countries, the potential of the capital market is not used effectively in the development of the economy, their role in civil relations is not felt, the rapid development of the digital economy and information technology.

Particular attention is paid to scientific analysis to ensure an effective legal system of the capital market in the world, to study new innovative types of securities in the digital economy, to follow the principles of fairness and equality in the regulation of banking and capital markets, to involve the population in investment processes and to protect the rights and legitimate interests of investors. In particular, it is important to find scientific solutions to the problems to increase the role of the capital market in the financial system, to systematize and improve the regulatory framework to determine the civil status of new financial instruments emerging due to the development of information technology, to harmonize national legislation with international standards, to find scientific solutions to legislation and law enforcement.

A number of targeted measures are being taken in the country to further improve the business and business environment, create a legal framework for the capital market, increase the share of the capital market in business financing, attract free funds to the economy, reliably protect the rights and legitimate interests of shareholders. For more than thirty years, Uzbekistan has been in the process of a gradual transition from a planned economy to a market economy. The capital market, one of the most important institutions of a market economy, is still in its infancy. According to the international standards of the capital market, Uzbekistan today is at the bottom of the international rankings (MSCI, FTSE Russell, Standard and Poor's), which determine the level of development of the capital market.² (pre-frontier market, frontier market, emerging market, developed market).³ According to experts, it takes an average of 20-25 years from the initial stage to the advanced stage when there are consistent and effective reforms.

Today, Uzbekistan is one of the 26 fastest-growing economies in the world.⁴ The share of the capital market in such an economy is still insignificant. The capital market capitalization in Uzbekistan is around 6 % of the country's GDP.⁵ In

¹ The SIFMA Capital Markets Fact Book, 2021. <https://www.sifma.org/resources/research/fact-book/>

² For more information on the level of development of the capital market, see: <https://www.nasdaq.com/articles/what-difference-between-developed-emerging-and-frontier-market-2012-05-11>

³ DCM Investor Report, 2022. <https://www.intralinks.com>

